БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 25 (6700)
4 ФЕВРАЛЬ СЕШАНБА 1947 йил
БАҲОСИ 20 тийин

1947 йил 16 февраль — Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов куни.

Москва, Кремль ўртоқ СТАЛИНГА

Қимматли Иосиф Виссарионович!

Биз, Ўзбекистон Ленинчи-Сталинчи Коммунист Ёшлар Союзи XI қурултойнинг вакиллари улуғ доҳиймиз, устозимиз, совет ёшларининг отаси ва дўсти Сизга Ўзбекистон республикасининг барча комсомоллари ва ёшлари номидан қизғин комсомоллик саломини юборамиз ва халқларнинг бахт-саодати учун, қудратли Ватанимизнинг янада яшнаши учун Сизга узоқ йиллар умр тилаймиз!

Ўзбекистон ЛКСМ X қурултойидан буён олти йил вақт ўтди. Республиканинг комсомол ташкилоти бу йиллар ичида бутун мамлакат блан биргаликда буюк тарихий воқиаларни бошидан кечирди.

Совет халқининг немис босқинчиларга ва япон империалистларига қарши олиб борган ва ғалаба блан тугалланган Улуғ Ватан уруши комсомол ташкилотимизни ва совет ёшларини янада чиниқтирди, қадрдон ва севикли большевиклар партияси теварагига, унинг Марказий Комитети теварагига ва севикли доҳиймиз, устозимиз ўртоқ Сталин, Сизнинг теварагингизга янада маҳкам жиплаштирди.

Большевиклар партияси ва Сиз, ўртоқ Сталин, бизларни Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат руҳида, сабот-матонатли бўлиш, курашда қўрқмаслик, кенгаккка ишонч блан қараш руҳида тарбиялядингиз.

Республикамиз катта ва шонли тарихий йўл босиб ўтди. Совет социалистик Ўзбекистони совет халқларининг дўстона оиласида, улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами блан ҳақиқатан ҳам Шарқда социализм маш'али бўлиб қолди.

Сизнинг совет давлатини янада яшнатиш тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрлигингиздан илҳомланган комсомоллар ва ёшлар бутун Ўзбек халқи блан биргаликда, совет ёшларимизга хос ғайрат ва ҳиммат блан Сталинча янги бешйилликни ва республикада пахтачиликни янада ривожлантириш юзасидан Сиз тузиб берган программани муваффақиятли суратда амалга ошириш учун курашмоқдалар.

Ўзбекистон республикасининг комсомоллари ва ёшлари Ватаннинг бахт-саодати учун, коммунизм ғояларини амалга ошириш учун яшаш, ўқиш, курашиш ва ғалаба қозонишни астойдил истайдилар.

Ўзбекистон комсомоли ёш авлодни қийинчиликлардан қўрқмайдиган, ҳарқандай ғовларни енга оладиган мард кишилар қилиб тарбиялашдан иборат фахрли вазифасини бажариш учун бутун куч ва ғайратини сарф қилади. Биздар совет ёшларини онамиз Ватанга, большевиклар партиясига, отамиз ва устозимиз севикли Сталинга чексиз муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаймиз.

Қимматли ўртоқ Сталин, совет халқининг бахт-саодати учун, совет давлатининг равнақи ва шон-шуҳрати учун Сизга чин қалбимиздан яна узоқ йиллар умр тилаймиз.

Яшасин севикли Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Ленин-Сталин партияси!

Яшасин большевиклар партиясининг содиқ ёрдамчиси Ленин-Сталин комсомоли!

Яшасин Совет мамлакати халқларининг қардошлиги ва дўстлиги!

Яшасин доҳиймиз ва устозимиз, совет ёшларининг энг яхши дўсти, азиз отамиз улуғ Сталин!

Механизация кадрлари тайёрлашга э'тибор берайлик

Социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг тараққиёти деҳқончилик ишимизда ҳозиргги замон техникасини кенг қўлланишга боғлиқ. Ўтган Сталинча бешйилликлар даврида партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалик ишларини машиналаштиришга ва бу машиналарни юргизадиган малакали механизатор кадрлар тайёрлашга ғоят катта аҳамият бериб келдилар. Ўртоқ Сталин 1935 йилдаёқ илғор комбайнчиларнинг Бутун Иттифоқ кенгашида бундай деган эди:

«Энди энг муҳим иш шундан иборатки, кадрларга эўр бериш керак, кадрларни ўргатиш керак, орқада қолучиларга техникани эгаллаш учун кўмак бериш керак, техникани эгаллаш ва уни олдинга бостириш учун лаёқатли бўлган кишиларни кун сайин етиштириб туриш керак. Ҳозир энг муҳим иш ана шундан иборат, ўртоқлар!».

Республикамиз қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни ривожлантиришда энг кучли техника блан қуролланган машина-трактор станциялари ва улардаги механизатор кадрлар ҳал қилучи ўринни эгаллайдилар. Чунки биргина машинанинг ўзи масалани ҳал қилаолмайди. Машина уни тўғри юргизадиган, ундан унучли фойдалана биладиган механизаторлар қўлида бўлиши керак. Бу соҳада механизаторлар армиясининг илғор отряди бўлган тракторчилар катта ўрин тутади.

Шунинг учун ҳам ЎзК(б)П Марказий Комитетининг XV пленуми 1947 йилда республикамиз қишлоқ хўжалиги айниқса пахтачилик ишларини машиналаштиришга катта э'тибор бериш блан бирга механизатор кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ғоят катта аҳамият берди. Пленум тракторчилар машина-трактор станциясида марказий фигура эканлигини та'киллаги ва партия ташкилотларни механизация кадрлари тайёрлаш иши блан доимий равишда шуғулланишлари зарурлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Республикамизда пахта, ғалла, қанд лавлаги ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш, Сталинча тўртинчи бешйилликнинг иккинчи йил вазифаларини муваффақиятли бажариш кўклам дала ишлари бошланганига қадар керакли бўлган механизатор кадрларни тўла тайёрлашни талаб қилади. Бизда ҳар йили неча минглаб механизатор кадрлар тайёрланади. Аммо, улардан ўз ўрнида фойдаланиш ва уларнинг кун сайин ихтисосини оширишга кам э'тибор берилади. Шунинг натижасида кўпгина тайёрланган механизатор кадрлар бошқа ишларга ўтиб кетадилар; машиналар малакаси кам бўлган кишиларнинг қўлига топширилиб, тез-тез бузилади ва иш унуми кам бўлади. 1946 йилда Ўзбекистон ССР Техника экинлари министрлигига қарашли МТСларда 297 НАТИ тракторида тракторчиларнинг айби блан 252 та бузилиш (авария) юз берган. Ўзбекистонда шу пайтгача тайёрланган тракторчилар республикамизда мавжуд бўлган барча тракторларни икки сменада ишлатишга етиб ортиб қолади. Шунга қарамасдан ўтган йили кўп МТСларда тракторчилар етишмай қолди. Биргина Ер ишлари министрлигига қарашли МТСларда 800 дан ортиқ тракторчи, 71 участка механиги, 83 бригада механиги ва 200 дан ортиқ комбайнчи етишмайди.

Механизация кадрлари тайёрлашда механизация мактаблари ва МТСлар қошидаги курслар катта роль ўйнамоқдари лозим. Афсуски бу мактаблар ҳозиргача ўз олдиларида турган талабга етарли жавоб бермаётирлар. Даставвал бу йилги қиш мавсумида механизация кадрлари тайёрлайдиган мактабларда ўқишлар жуда кечикиб бошланди. Бунинг устига ўқучилар қабул қилиш плани тўла бажарилмади. Қарши шаҳридаги механизация кадрлари тайёрлаш мактаби ва Қашқадар'ё область МТСлари ҳузуридаги тракторчилар тайёрлаш курслари бу йил кўкламгача 1.350 та механизатор тайёрлаб чиқариши керак. Шундан бу мактабларда ҳозир фақат 450 киши ўқимоқда. Бу областьда НАТИ тракторлари учун 270 тракторчи тайёрлаш ўрнига бошқа хилдаги тракторлар учун 194 та кадр тайёрлаш блан қаноатланилган. Тошкентдаги мактабга Самарқанд областидан 20 та бригада механиги ўрнига атиги 5 та, Қашқадар'ё областидан 30 киши ўрнига фақат бир киши юборилган. Шуни ҳам айтиш керакки, жойлардан механизация мактабларига ўқиш учун юборилган кишилар мутлақо талабга жавоб бермайди.

Мана бу аҳволлар маҳаллий партия, совет ташкилотлари, айниқса техника экинлари ва ер бўлимлари ходимларининг, МТС директорларининг механизатор кадрларни танлаш ва уларни ихтисосли кадр қилиб етиштиришдек муҳим ишга жуда кам э'тибор бераётганликларини кўрсатади.

Область ва район партия ташкилотлари механизация кадрлари тайёрлаш мактаблари ва курсларидаги ўқиш ва ўқитиш ишлари блан бевосита шуғулланишлари керак. Бу мактабларга колхозлардаги илғор, саводли ёшлардан, комсомоллардан юборib, уларнинг чинакам механизатор бўлиб чиқишларини та'мин этишлари керак. Шу блан бирга илғор механизация мактабларида ўқиб чиққан ва ҳозирда бошқа ишларга ўтиб кетган кадрларни МТС ва совхозларга қайтариш ва уларни ўз ўрнида фойдаланиш ҳамда ихтисосларини ошириш чораларини кўриш зарур.

Кўклам дала ишларини бошлашга жуда оз вақт қолди. Ана шу қолган қисқа муддат ичида республикадаги механизация кадрлари тайёрлаш мактабларида ва МТСлар ҳузуридаги курсларда ўқишни ўқитиш ва тажриба ишларини жадаллаштириб, партия ва ҳукумат томонидан белгиланган миқдорда механизатор кадрларни тайёрлаб чиқарайлик!

Республикамиз меҳнаткашлари ЎзССР Олий Советига сайлов кунини зўр иштиёқ блан кутмоқдалар

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАРКАЗИЙ САЙЛОВ ОКРУГИДА

Улуғ Сталиннинг энг яқин сафдоши Андрей Александрович Жданов учун овоз берамиз!

Партия ва давлатимизнинг катта арбоби

Андрей Александрович Жданов шонли коммунист (большевик)лар партиясининг отоқли раҳбарларидан бири. У, ўзининг бутун куч ва билимини партия, халқ ва коммунизм ишига бағишлаган арбоб сифатида совет халқининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Андрей Александровичнинг ҳаёти революция бешиги — шонли Ленинград меҳнаткашларининг ҳаёти ва кураши блан маҳкам боғланган.

Ўртоқ А. А. Жданов раҳбарлигида Ленинград аҳолиси ва большевиклари Сталинча бешйилликлар даврида катта-катта ютуқларга эришдилар. Улуғ Ватан уруши даврида қаҳрамон Ленинград шаҳрининг меҳнаткашлари ўртоқ А. А. Жданов раҳбарлигида немис-фашист босқинчиларга қарши курашдилар.

Совет халқи коммунистлар партияси ва шахсан ўртоқ Сталиннинг доно раҳбарлигида Улуғ Ватан урушидан ғолиб чиқди. Мамлакатимиз большевиклар партиясининг раҳбарлигида тинч қурилиш даврига кўчди. Ҳозир совет халқи Сталинча тўртинчи бешйиллик планнинг улуғвор вазифаларини бажармоқда. Ленинград яна ўзининг гигант қадрини тиклаб олди. Ленинград саноати Сталинча бешйиллик планнинг биринчи йилида катта ютуқларга эришди. Бу ютуқларни қўлга киритишда ўртоқ Жлановнинг роли ғоят катталир.

Ўртоқ Жданов оташин нотиқ, оташин пропагандистдир. Унинг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисида, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 29 йиллиги тўғрисида қилган докладлари ҳаммамизнинг ёдимизда.

Ўртоқ А. А. Жлановнинг ЎзССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилиши республикамиз меҳнаткашларини беҳад қувонтирди.

Биз Тошкент шаҳар Марказий сайлов округидаги кекса ва ёш сайловчилар улуғ Сталиннинг энг яқин сафдоши, халқимизнинг содиқ фарзанди Андрей Александрович номзодига овоз бериш блан партиямиз сиёсати учун, Ватанимизнинг яйраб-яшнаши учун овоз берган бўламиз.

Н. ҲОШИМОВ.

Свердлов театрининг артисти.

П. СЕРГЕЕВА.

Кекса сайловчи.

Т. МИЛАХОВА.

Ёш сайловчи.

Оташин большевик

Мен ўртоқ А. А. Жлановни Улуғ Ватан уруши қизғин давом этаётган, Ленинградни немис-фашист босқинчилар қамал қилиб турган кунларда кўп марта учратдим. У вақтда бизнинг ҳарбий қисмимиз Ленинграднинг ғарби-шимолидаги фронтда жанг қилмоқда эди. Партия ва ҳукумат, шахсан Генералиссимус Сталин Ленинград мудофаасига раҳбарлик қилишни Ленинград большевикларининг раҳбари Андрей Александрович Жлановга топширди.

Ленинградга қутуриб ҳамла қилаётган душманнинг кучини синдириш, жангларга раҳбарлик қилиш, ленинградлиларни қаҳрамонона курашга отлантиришда ўртоқ А. Жданов бошчилик қилди. Ўртоқ А. А. Жданов бизнинг қисмимизга тез-тез келиб, жангчилар блан суҳбатлашиб турди. Қисмдаги жангчилар Андрей Александровичнинг оташин сўзларидан мамнун бўлар ва илҳомланар эдилар.

Ўртоқ А. А. Ждановнинг ташаббуси блан оғир кунларда Ленинградга қурол-аслаҳа, ҳарбий заводларга ҳомаш'ё, аҳолига озиқ-овқат етказиб берилди. Улуғ Сталиннинг ғамхўрлиги блан ва унинг энг яқин сафдоши А. А. Жлановнинг бевосита раҳбарлиги остида қаҳрамон ленинградлилар ва шаркатли Совет Армиямиз ёвуз душманни шаҳар остоналарида тор-мор қилдилар. Ҳарбир ленинградли киши, шунингдек бутун совет халқи Улуғ Сталиннинг содиқ сафдоши А. А. Жлановни беҳад севали ва ҳурмат қилади.

Мен 16 февраль куни округдаги кўп мингли сайловчилар блан биргаликда сайлов қутилари ёнига бориб, Андрей Александрович Жланов номзоди учун овоз бериш блан ўзимни бахтли ҳисоблайман.

Г. К. МАРЦЕНКЕВИЧ,

Ватан уруши иштирокчиси, икки орденли.

Ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлиб овоз берамиз

Мен Андрей Александрович Жлановни бирнеча йиллардан бери биламан. Ленинградда ишлаган вақтларимда унинг блан учрашганман. У, Ленин-Сталин типидаги раҳбар ходимдир. Андрей Александрович Жлановдаги большевикларга хос меҳрибонлик, камтарлик, принципиаллик ҳаммамиз учун намунадир. Ўртоқ Жданов оммаининг сўзига диққат блан қулоқ солади, меҳнаткашлар тўғрисида ғамхўрлик қилади. Унинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ажойиб ташкилотчилиги, қўмондонлиги бутун совет халқининг, айниқса ленинградлиларнинг хотирасида абадий сақланади. У, оғир фурсатларда улуғ доҳий Сталиннинг топшириғи блан Ленинградни душмандан ҳимоя қилиш каби ғоят муҳим вазифани тўла бажарди. Ўртоқ А. А. Жлановнинг оташин сўзлари Совет Армиясининг жангчиларини ва Ленинград меҳнаткашларини улуғ жангларга ва меҳнатга, урушнинг оғир қийинчиликларини енгишга отлантирди.

Ватанпарвар большевик А. А. Жлановни республикамизнинг олий ҳокимиятя органи ЎзССР Олий Совети депутатлигига сайлаш халқимиз учун катта қувончдир.

И. Е. САМСОНОВ,

Пенсионер.

Сайлов шарафига

Тошкент электр лампалари заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари Сталиннинг энг яқин сафдоши Андрей Александрович Жлановнинг ЎзССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодини овозга қўйиш ҳақида берган розилигидан беҳад қувондилар. Биз бу қувончимизни сайловга муносиб совғалар тайёрлаш блан изҳор қилмоқдамиз.

Ҳозир заводимизда сайлов олди социалистик мусобақаси қизиб кетди. Заводимиз Сталинча тўртинчи бешйилликнинг биринчи йили топшириғини тўла ало этди. 1947 йилнинг январь ойи плани ҳам 103 процент бажарилди. Кўп ишчилар сайлов олдидан олган мажбуриятларини ошириб бажармоқдалар. Чунончи, слесарь ўртоқ Назаров январь планини 300 процент, монтажчи ўртоқ Шипилевская 108 процент бажарди. Биз сайлов кунигача февраль ойи топшириғини ошириб бажариш учун бутун кучларимизни сафарбар этамиз.

16 февраль—ҳаммамиз учун катта байрам. Биз шу куни сайлов қутилари ёнига зўр қувонч блан бориб, оташин большевик А. А. Жданов номзоди учун овоз берамиз.

М. АЮБОВ,

Тошкент электрлампалари заводининг цех бошлиғи.

И. НАЗАРОВ

Слесарь.

Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказадиган Марказий сайлов комиссиясининг 31 январьда мажлиси бўлди.

Мажлисда Фарғона областида ва Тошкент шаҳрида сайловга тайёргарликнинг бориши ҳақида Фарғона область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Давидянц ва Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Комилов доклад қилдилар.

Марказий сайлов комиссияси бирқанча қолларда шаҳар ва район ижроия комитетлари сайловга тайёргарлик ишига бевосита раҳбарлик қилишдан ўзларини четлатиб қўйганликларини, бу жуда муҳим ташкилий ишни тамомила округ ва участка сайлов комиссияларига ишониб топшириб қўйганликларини та'кидлади. Сайловчиларнинг рўйхатларида ба'зи кишиларнинг фамилиялари бузиб ёзилган. Район ижроия комитетлари кетиб қолган ва янги келган сайловчиларни аниқ ҳисобга олиб турмайдилар. Фарғона область ижроия комитети (ўртоқ Давидянц) ва Тошкент шаҳар ижроия комитети (ўртоқ Комилов) ҳамма сайлов участкаларида овоз берадиган хоналарни жиҳозлаш тўғрисида сўнгги вақтгача тегишли чора кўрмаганликлари ҳам аниқланди.

Марказий сайлов комиссияси Фарғона область ва Тошкент шаҳар ижроия комитетларига 6 февральгача сайловчиларнинг ҳамма рўйхатларини ялпи текшириб чиқишни топширди. Келгусида район ижроия комитетлари то сайлов кунигача сайловчилар рўйхатини аниқлашга катта э'тибор беришлари керак.

Округ сайлов комиссиясининг раиси ўртоқ Турғунов Андижон область, Избоскан районидаги Пайтўқ сайлов округида тайёргарлик ишининг аҳволи ҳақида ахборот берди. Ўзбекбирлашув президиуми раисининг ўринбосари ўртоқ Қурбонов округ ва участка сайлов комиссияларга ёзув асбоблари, лампалар ва бошқа хўжалик асбоблари блан қандай та'миланганлиги тўғрисида ма'лумот берди.

Бланкалар нашриёти Ўзбекистон бўлимининг бошқаручиси ўртоқ Ҳусайнов ҳамма 400 сайлов округи учун ҳам сайлов бюллетеньлари тайёр бўлганлигини ва жойларга жўнатилганлигини айтди. Овоз бериш натижалари тўғрисидаги протоколларни округ сайлов комиссияларидан Марказий сайлов комиссиясига етказиб бериш йўллари ҳақида СССР Алоқа министрлигининг Ўзбекистондаги вакили ўринбосари ўртоқ Срибний ахборот берди.

Марказий сайлов комиссияси муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. (ЎзТАГ).

САЙЛОВ ТАЙЕРГАРЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КИНО-ЖУРНАЛ

Тожикистон республикасининг кинотеатрларида Тожикистон ССР Олий Совети сайловларига бағишланган кино-журналлар кўрсатилмоқда. Сталинобод кинохроника студияси ўртоқ И. В. Сталин биринчи номзод қилиб кўрсатилган сайлов олди йиғилишларини, тўқимачилик комбинатида ва «Автотрактородеталь» заводида сайлов шарафига бўлган стахановча вахталарни суратга олган. (ТАСС).

ЎзССР Олий Совети сайловини ишлабчиқаришда янги ғалабалар блан кутиб оламиз

ҚАНД-ШАКАР МАҲСУЛОТИ КУПЛАБ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТИР

Ўзбекистонлаги қанд заводлари сталинча бешйилликнинг биринчи йилини катта муваффақиятлар блан якунлаган эдилар. Мамлакатга йиллик пландан ташқари 675 минг пуд қанд-шакар ишлаб берилгач эди. Қанд заводлари коллективлари ЎзССР Олий Совети сайлови шарафига социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. Мусобақа ўзининг самарали натижаларини кўрсатаётир. Январь ойида республика заводлари пландан ташқари 4.300 центнер қанд ишлаб чиқардилар.

Социалистик мусобақада олдинда бораётган Янгийўл қанд заводи (директори ўртоқ Белоконь) 1946 йилда Сталинча бешйилликнинг охирги йили—1950 йилда ишлаб чиқарилиши лозим бўлган миқдордан ҳам кўпроқ маҳсулот чиқаргаи эди. Заводнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари сайлов шарафига январь ойи планини ҳам ортириб бажардилар ва пландан ташқари 2.851 центнер қанд-шакар ишлаб чиқардилар.

Республика қанд заводлари бу йилги мавсумда ҳозиргача 2.840 минг центнер лавлагиган қанд ишлаб чиқардилар. Бу эса, ўтган йилнинг шу даврида ишлаган лавлагига нисбатан 1 миллион центнер ортиқдир. Қанд ишлаб чиқариш мавсуми яна бир ой давом этади.

16 ФЕВРАЛЬГАЧА ОЙЛИК ПЛАННИ БАЖАРИШ МАЖБУРИЯТИНИ ОЛДИЛАР

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Хоразм область мухбиридан)

Урганч пахта заводининг коллективи сайлов олди социалистик мусобақасини қизитиб, жин машиналарининг унумини 105 процентгача кўтарди. Орденли коммунист ўртоқ Йўлдош Қаландаров бошлиқ смена ҳарбир арра-соатга 3,5 ўрнига 6,5 килограмм ва ундан ҳам ошириб пахта толаси ишлаб чиқара бошлади.

Завод ишчилари ва инженер-техник ходимлари маҳсулот таннархини 3,8 процент пасайтириб 50 минг сўм пул, кўп миқдорда электр қуввати, бир ярим тонна ёқилғи ва бошқа материаллар тежадилар.

Заводдаги коммунистлар ишлабчиқаришда авангардлик кўрсатиб, ишчиларнинг чинакам етакчиси бўлдилар. Ишлабчиқаришда бевосита ишлаётган 12 коммунистнинг барчаси стахановчи. Улар кунлик топшириқларни ошириб бажараётирлар.

Завод коллективи сайлов шарафига февраль ойи ишлабчиқариш планларини 16 февральгача бажариш ва ой охиригача пландан ташқари 400 тонна пахта тозалаш мажбуриятини олди.

М. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ЁҒ, СОВУН ВА ЛИНТЕР

Андижондаги 6-нчи ёғ заводининг коллективи сўнгги кунларда ўз ишини тобора яхшиламоқда. Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов шарафига бошланган социалистик мусобақа ўзининг ажойиб самараларини бераётир.

Ўтган йилнинг декабрь ойида завод коллективи пландан ташқари 133 тонна совун, кўп миқдорда ёғ, линтер ва чигит берган эди. Завод коллективи январь ойида ҳам катта ғайрат блан ишлади. Бу мусобақада Карим Абдусатторов ва Аҳмад Абдуллаев ўртоқларнинг бригадалари кун сайин пландан ташқари 10 процент маҳсулот бериб, ҳаммага ўрнак бўлаётирлар. Завод коллективи Ўзбекистонда биринчи ўринни олиш учун курашмоқда.

С. БЕЗНОСОВ.

КОНСЕРВА САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон консерва саноати корхоналари ЎзССР Олий Совети сайлови шарафига бошланган социалистик мусобақада янгидан-янги муваффақиятларга эришаётир. Республикадаги гўшт ва консерва ишлаб чиқаручи заводлар Сталинча бешйилликнинг иккинчи йили январь ойи планини муддатдан илгари ало этдилар ва пландан ташқари 200 минг банка консерва ишлаб чиқардилар.

Тошкентдаги консерва заводи ойлик планни икки ҳисса ортдириб бажарди. Янгийўл консерва заводи январьда пландан ташқари 140 минг банка консерва ишлаб берди. Самарқанддаги мева консерва заводи ва Наманганди заводлар ҳам яхши муваффақиятларга эришдилар.

Ўзбекистон консерва саноати корхоналарининг коллективлари сайлов шарафига 1947 йилнинг биринчи квартали планини ортдириб бажариш ва пландан ташқари бир миллион банка консерва ишлаб чиқариш учун курашаётирлар.

Ўзбекистон комсомолининг XI қурултойи

1 февраль кечки мажлис

Қурултойнинг кечқурунги мажлисида ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Шелепин сўзга чиқди.

Ўртоқ Шелепин Ўзбек халқининг большевиклар партияси раҳбарлигида улуғ рус халқининг қардошларча ёрдами блан босиб ўтган йўлини эслатиб ўтиб, янги бешйиллик планни бажариш соҳасидаги вазифалар тўғрисида гапирди. Ўртоқ Сталин томонидан халқ олдига қўйилган вазифалар, ёшлар ўртасида тарбиявий ва маданий ишларимизнинг сифатини ҳар томонлама яхшилашни талаб қилади. Ўртоқ Сталин ёш авлодни қийинчиликдан қўрқмайдиган ва ҳар қандай тўсиқларни бартараф қилишга тайёр бўлган дадил, ўз кучига ишончи қилиб тарбиялаш вазифасини қўйди.

ВКП(б) Марказий Комитети адабиёт ва сан'ат тўғрисида чиқарган сўнгги қарорларида, мафкура соҳасидаги ишларда бўлган катта камчиликлар ва хатоларни кўрсатиб, бу хатоларни тузатиш йўлларини белгилади. Э'тироф қилиш керакки, Ўзбекистон ёшлари ўртасида олиб борилаётган сиёсий ва тарбиявий ишлар кун сайин ўсиб бораётган вазифалар ҳамда талаблардан орқада қолаётир. Ўзбекистон комсомол Марказий Комитети ёшларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш масалалари блан етарли даражада шуғулланмаётир.

Ўртоқ Шелепин, «Комсомолец Ўзбекистана» ва «Ёш Ленинчи» газеталарининг редакцияларини қаттиқ танқид қилди. Бу газеталар, комсомоллар ва ёшларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш масалаларини жуда паст ғоявий савияда ёритмоқдалар. Ўртоқ Шелепин ёшлар театрларининг бирнеча репертуарларини, Ўзбекистон Давлат нашриёти ёшлар бўлими томонидан босиб чиқарилган асарларни танқид қилди. Ўзбекистон комсомол Марказий Комитети Республика ёзувчилар союзи блан мустаҳкам алоқада эмас. Ёзувчиларнинг ёшларга атаб яхши, юксак бадиий асарлар яратиши учун чора кўрмади.

Ўртоқ Шелепин, Ўзбекистон ёшлари ўртасида сиёсий-тарбия ишларининг қандай аҳволда эканлигини таҳлил қилиб берди.

ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг ма'лумотларига қарагандa республикада 3075 та тўгарак бор. Текшириш натижалари эса бу тўгараклардан кўпининг амалда йўқлигини кўрсатди. Чунончи, Қорақалпоғистонда шундай эканлиги ма'лум бўлди, мавжуд тўгараклларнинг кўпи мунтазам ишламайди. Тўгарак раҳбарлари яхшилаб танланмайди. Ёшлар учун ўқиладиган лекцияларнинг тематикаси чуқур ўйланиб тузилган эмас. Ба'зи бир комсомол ходимлари ўқишни истамайдилар, ўзи ўқишни истамайдиган комсомол раҳбарларини ишда қолдириш мумкин эмас. Демак бундай комсомоллар ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб бориш учун қодир эмас.

Спорт ёшларни тарбиялашнинг энг муҳим қисми эканлигини та'кидлаб, Ўртоқ Шелепин, Ўзбекистонда физкультура ва спорт ишни жуда ҳам ёмон аҳволда эканлигини айтиб ўтди. Ўзбекистонда физкультура ва спорт ишини тез фурсатда кучайтириш керак. Даставвал район марказларида физкультура ишларини ривожлантириш лозим. Комсомол Марказий Комитети физкультура ишлари комитети, комсомолнинг барча раҳбар ходимлари спорт ва физкультура масалаларига жиддий э'тибор қилишлари лозим.

Ўртоқ Шелепин, қиз-жувонлар ўртасида маданий тарбия ишларининг жуда паст даражада эканлигини айтиб ўтди. Хотин-қизларга нисбатан феодалларча муносабат ва кўп хотин олиш фактлари содир бўлмоқда. Ба'зи қизлар зararли урф-одатларга берилиб, паранжи ёпинмоқдалар. Кейинги вақтда комсомоллар ўртасида қиз-жувонлар сони камайди. Қизларни комсомолнинг раҳбарлик ишларига дадилик блан кўтармайдилар. Қиз-жувонлар ўртасида ғоявий-сиёсий ишларни яхшилаш, социалистик қурилишда давлатни бошқаришда уларнинг ролини кўтариш, хотин-қизларни раҳбарлик ишларига дадилик блан кўтариш, сиёсий-оқартув муассасаларининг хотин-қизлар ўртасида олиб бораётган ишларини кучайтириш керак.

Республикамиздаги комсомол ташкилотлари ва комсомол Марказий Комитети мактаб масалалари блан яхши шуғулланмайди. Мактаб ёшидаги 100 мингга яқин бола ўқишга тортилмаган, 32 минг ўқитучидан ярмининг ўрта ма'лумоти йўқ. Дарсликлар етарли эмас, мактаблар ўқув қуроллари блан тўла та'минланмаган. Комсомол ташкилотлари халқ маорифи органларига ҳар доим ёрдам беришлари лозим. Мактаб ёшидаги барча ўқучиларни мактабга тортиш, ўқитучиларга ўз малакаларини ошириш учун ёрдам бериш керак. Айниқса ишчи ва деҳқон ёшларининг кечки мактабларига кўпроқ э'тибор бериш лозим.

Ўртоқ Шелепин комсомол ташкилотларининг хўжалик ишларидаги иштироки тўғрисидаги масалалар ҳақида муфассал гапирди.

Кўпгина комсомол ташкилотлари,— деди у,— ишчи ёшларнинг планни қандай бажараётганликлари, ўз малакаларини қандай ошираётганликлари блан шуғулланмай қўйди. Ёшларнинг маданий-маиший аҳволини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилмайдилар. ВЛКСМ Марказий Комитетининг комсомол ташкилотларида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш тўғрисидаги қарорининг ма'носи хўжалик сиёсий вазифаларни ҳал қилишда активроқ қатнашиш учун ёшларга ёрдам беришдан иборатдир.

Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги олдида айниқса пахтачиликни янада ривожлантириш соҳасида катта вазифалар турибди. Қишлоқ комсомол ташкилотлари область ва район комсомол комитетлари, даставвал бу вазифаларни кенг омма ўртасида яхшилаб пропаганда қилишлари, ёшларга пахтачилик тўғрисида, Ўзбекистоннинг пахтаси ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлашда қандай аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида батафсил сўзлаб бериши керак.

Колхоз ва совхозлардаги комсомол ташкилотларининг вазифаларига келганда шуни айтиш керакки, колхоз ва совхозлардаги ёшларнинг энг муҳим вазифаси, пахтачиликнинг илғор агротехникасини тўла эгаллаш, ёш механизаторлар, ирригаторлар тайёрлаш, партия ва совет ташкилотларига экин майдонларини йил сайин кенгайтиришда, пахта, ғалла ва бўлак қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ҳосилни тобора оширишда ёрдамлашишдан иборатдир.

Шундан кейин Ўртоқ Шелепин, комсомолнинг асосий тармоғи бўлган бошланғич комсомол ташкилотларини мустаҳкамлаш тўғрисида муфассал гапирди. Ўзбекистонда бошланғич комсомол ташкилотларининг ўсиши суст. Чунончи, 14 ёшга кирган ёшларни комсомолга камдан-кам қабул қилмоқдалар. Избоскан районида комсомолга ариза бермаган ҳолда, рўйхат блан қабул қилмоқдалар ва анча вақтгача уларга комсомол билети бермайдилар. Андижон область комсомол комитети ходимларининг шундай аҳволга чидаб туришлари кечирилмасликдир.

Ўртоқ Шелепин шундай деди:

— Ўзбекистон комсомол Марказий Комитети, область ва район комитетлари биринчи навбатда бошланғич комсомол ташкилотларига ёрдам бериши керак. Бошланғич комсомол ташкилотлари секретарларини тарбиялаш масалалари тўғрисида жиддий ўйлаб, улар блан тез-тез суҳбатлар ўтказиш, комсомолда ишни қандай олиб бориш кераклиги тўғрисида маслаҳатлар бериш керак. ЎзЛКСМ Марказий Комитети бошланғич комсомол ташкилотларига йўл-йўриқ кўрсатучи китобча нашр қилмоғи лозим.

Шундан кейин Ўртоқ Шелепин, комсомол кадрларини тайёрлаш, тарбиялаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида гапирди. ВЛКСМ Марказий Комитети — дейди у— ЎзЛКСМ Марказий Комитетини ва унинг кадрлар бўйича секретари Ўртоқ Абдураззоқовни кадрлар ўртасида яхши иш олиб бормаётганлиги учун қаттиқ танқид қилди. Комсомол кадрларини тез-тез алмаштириб туриш аҳволларига чек қўйиш керак. Комсомол ташкилотларига ҳар томонлама билимли, маданиятли, обрўли кишиларни раҳбар қилиб қўйилсин. Ҳаммадан олдин ба'зи комсомол раҳбар ходимларининг назарий ўқишга, билимларни эгаллашга э'тиборсизлик блан қарашига барҳам бериш лозим. Биз кадрларни қадрлаш, ҳурмат қилиш ва уларни тарбиялашни Ўртоқ Сталиндан ўрганишимиз керак. Афсуски, бизда кадрларга етарли даражада ғамхўрлик қилинмайди. Ба'зи вақтда, айрим ходимлар блан сўзлашиш, уларнинг камчиликларини тузатиш ўрнига тўсатдан ишдан олиш блан қаноатланадилар.

Комсомол олдида турган вазифаларни бажариш учун кадрлар ўртасида олиб борилаётган ишларни жиддий равишда яхшилаш, кишиларга нисбатан юзаки қарашга барҳам бериш, ҳарбир кадрни қадрлаш керак. Комсомолнинг шаҳар ва район комитетлари, комсомолларга умумая эмас, балки ҳарбир комсомол ташкилотига, айрим ёшлар гуруҳига раҳбарлик қилиш, барча ёшларнинг партия талаб қилганидек ишлашига эришмоқлари лозим.

Ўртоқ Шелепин, Марказий Комитет ва область комитетларининг аппаратини қаттиқ танқид қилди. Комсомолнинг марказий ва область комитетларида қабул қилинган қарорларнинг қандай бажарилаётганлиги жиддий ва системали суратда текшириб турилмайди. Мажлисбозлик, сон-саноқсиз қарорлар чиқаришга, комсомол аппаратининг ишларида бўлган тўрачилик ва расмиятчиликка барҳам бериш керак. Ишда кўпроқ ижодкорлик ва ташаббускорлик бўлсин!

Ўртоқ Шелепин ўз нутқининг охирида шундай деди: Ўзбекистон комсомоллари ва ёшлари ЎзК(б)П Марказий Комитетининг раҳбарлиги остида уруш йилларида ҳам, совет халқи тинч қурилиш даврига кирган ҳозирги пайтда ҳам катта ишлар қилди. Шубҳа йўқки, Ўзбекистон ёшлари ва комсомоллари келгусида ҳам Ўртоқ Сталин томонидан совет халқи олдига қўйилган вазифаларни шараф блан бажарадилар. **(Олқишлар).**

Қурултойнинг кечқурунги мажлисида биринчи бўлиб ЎзССР Маориф министри Ўртоқ **Муродхўжаев** сўзга чиқди.

Ўртоқ Муродхўжаев бундай деди:

— Бешйиллик план ҳақидаги қонунда мамлакатимизда фан ва маданиятнинг янада тараққий этиши кўзда тутилади. Олий ўқув юртларида илмий кадрлар тайёрлаб етиштириш, мамлакатда фан, техникани тараққий эттириш, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларини амалга ошириш, кўп жиҳатдан умумий та'лим мактабларидаги ўқитиш ишларининг яхши сифат блан олиб борилишига боғлиқдир. Комсомол ташкилотлари та'лим-тарбия ишлари соҳасида мактабларга нақадар фаол ёрдам берсалар мактабларимиз бу жиддий вазифани шу қадар муваффақият блан бажарадилар.

Ўртоқ Муродхўжаев, комсомолларнинг та'лим-тарбия ишига яхши қараётганликларига ва ўқучилар ўртасида илғор ўринларни эгаллаб келаётганликларига доир фактлар келтиради. Наманган областининг Янгиқўрғон районидаги мактабда 26 комсомол ўқийди. Буларнинг ҳаммаси ўқишда а'лочидир. Мактаб комсомол ташкилоти та'лим-тарбия ишларини олиб боришда ўқитучиларга кўмаклашиб туради.

Сўнгра Ўртоқ Муродхўжаев, мактабларда комсомол ташкилотларига раҳбарлик қилишда ЎзЛКСМ область, шаҳар ва район комитетларининг ишидаги камчиликлар тўғрисида гапиради. Тошкент область комсомол комитети ўтган йили мактаблар ҳақида фақат икки марта масала кўрган. Тошкент шаҳар Киров районидаги ўқучи комсомоллар дарсларни суст ўзлаштираётганликларига қарамай, ЎзЛКСМ Киров район комитети мактаблардаги комсомол ва пионерлар ўқишда ва мактабда ўзларини қандай тутаётганликлари ҳақида бирон марта ҳам масала муҳокама қилмаган.

Ўртоқ Муродхўжаев, синфдан ва мактабдан ташқарида болаларни тарбиялаш масалаларига э'тибор бермаётганлиги учун ЎзЛКСМ Марказий Комитетини танқид қилди. Бу соҳадаги ишлар жуда ёмон аҳволга тушиб қолган. Ўқучи комсомоллардан ва ҳатто ўқитучилардан ба'зи бирлари бирнеча ойлаб газета ўқимайдилар, театрларга бормайдилар, бадиий адабиёт ўқимайдилар. Ҳолбуки, яхши китоб совет ёшларига олижаноб ҳислатларни сингдириш, уларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш, Ватанга чексиз содиқ, социалистик гуманизм, мардлик, қаҳрамонлик, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Ўртоқ Муродхўжаев айтади:

— Пионерлар уйларида ва пионерлар саройларида, болаларнинг техника станцияларида болаларни қизиқтиручи мароқли ишлар қизиб борсин. Комсомол туристларнинг саёҳатларини, экскурсиялар, физкультура мусобақалари, бадиий ҳаваскорларнинг олимпиадаларини ўтказиб туриш керак.

Тошкент область комсомол комитетининг секретари Ўртоқ **Зайченконинг** сўзи ёшларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш масалаларига бағишланди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Комсомол ташкилотларида сиёсий маориф ишларини яхшилаш ҳақида» қарори чиққандан сўнг, ЎзЛКСМ Оҳангарон шаҳар комитети бу соҳада дастлабки ютуқларни қўлга киритди. Комсомоллар кечки мактабларда, сиёсий тўгаракларда ўқимоқдалар. Шаҳар комитети бюроси ва пленумининг а'золари, бошланғич комсомол ташкилотларининг секретарьлари—комсомол активлари қунт блан ўқимоқдалар. ЎзЛКСМ шаҳар комитетининг секретарьлари бу соҳада намуна бўлмоқдалар. Шаҳар комитети мактаблар ва сиёсий тўгаракларнинг ишини назорат қилиб борали. Буларнинг ҳаммаси комсомолнинг ички ҳаётидаги ишларни яхшилашга ёрдам бермоқда. Ёшларнинг сиёсий ва ишлабчиқариш соҳасидаги фаолияти ошмоқда, комсомол ташкилотининг обрўси кўтарилмоқда, ёшларнинг комсомол сафига кириш истаги кучаймоқда.

Ўртоқ Зайченко комсомолларнинг ўқишидаги жиддий камчиликларга батафсил тўхталиб ўтди. Комсомол ташкилотлари кўпинча сиёсий тўгаракларнинг раҳбарларига ёрдам бермайдилар, бу тўгараклардаги ўқишлар ёмон уюштирилади, машғулотларни ўтказиш учун муайян программа ва тегишли адабиёт йўқ.

Республиканинг саноатини ривожлантириш йўлида катта ишлар қилиниши муносабати блан малакали ишчиларни, айниқса ўзбек ёшларидан малакали ишчиларни тарбиялаб етиштириш катта аҳамиятга эгадир. Бу соҳада комсомол ташкилотлари жуда кўп иш қилаолишлари мумкин. Ишчи ёшларга тегишли даражада маданий-маиший шароит яратиб бериш, қишлоқ ёшларини саноат корхоналарига ишга тортиш — комсомолнинг жонажон вазифасидир. Сўнгра Ўртоқ Зайченко, Ўзбекистон қишлоқларига маданият кирита бориш масалаларига тўхталади. Республика комсомол ташкилотлари қишлоқларни обод ва кўкламзор қилиш, қишлоқ районларида маданият ва истироҳат боғлари вужудга келтириш, электр станциялар қуриш ва шу сингари ишларда ташаббускор бўлмоқлари керак.

Ўртоқ Зайченко бундай деди:

— ЎзЛКСМ Тошкент область комитети, Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетидан жиддий ва яхши раҳбарлик олиб турмайди. Кўпинча Марказий Комитетининг раҳбарлиги вақт-вақти блан ҳисобот эшитиш, майда масалалар тўғрисида кўрсатма бериш блангина кифояланади. Марказий Комитетнинг айрим ходимлари танқидга тоқат қилолмайдилар.

Қурултой қатнашчилари Туркистон Ҳарбий Округи қўмондони, Армия генерали Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ўртоқ **Петровни** қизғин кутиб олдилар.

Ўртоқ Петров, республикада пахтачиликни янада ривожлантиришдан иборат буюк план тўғрисида, қишлоқ хўжалик ишларини механизациялаш вазифалари ҳақида гапирди. Шу муносабат блан,— дейди Ўртоқ Петров,—янги қишлоқ хўжалик машиналарини яхши билиб олиш, трактор паркини сақлаш, тракторларни ўз вақтида ва яхши ремонт қилиш зарур. Ўртоқ Петров, республикада физкультура ишларини янада яхшилаш ва комсомолнинг бу соҳадаги роли ғоят катта эканлигини айтиб, қурултой вакилларининг э'тиборини шунга жалб этади.

ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ **Абдураззоқов** ўз нутқида бундай дейди:

— Ташкилий ишларимиздаги асосий хато шундан иборатки, комсомол марказий комитети, область, шаҳар ва район комсомол комитетлари комсомол ҳаётининг қонуни бўлмиш ВЛКСМ Уставига қаттиқ риоя қилиш тўғрисида қўйилган талабларга суст риоя қилмоқдалар.

Бошланғич комсомол ташкилоти комсомолнинг негизидир. Шу сабабдан, бошланғич комсомол ташкилоти раҳбар комсомол органларининг диққат марказида туриши керак. Раҳбар комсомол органларининг бошланғич комсомол ташкилотларни ишларига жиддий э'тибор қилмаётганликларини кўрсаталиган фактлар бор. ЎзЛКСМ Андижон область комитети ҳисобот-сайлов мажлисларини ўтказиш вақтидагина 26 ташкилотнинг тарқалиб кетганлигини билган. Фарғона областининг Қува районида ҳам' шундай аҳвол юз берди.

ВЛКСМ Уставига риоя қилмаслик натижасида кўпгина комсомол комитетлари комсомолнинг ички демократиясини қўпол равишда бузмоқдалар. Йиғилишлар, пленумлар, актив мажлисларини ўтказиш муддатларига кўпинча риоя қилинмаётир. Шу сабабдан комсомол комитетларининг ишларидаги камчиликларни танқид қилиш имконига эга эмаслар. Ўз раҳбарларининг ишларидаги хатоларни ўз вақтида тузатолмайдилар.

ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг ўзи комсомол Уставини кўпинча бузаётир. Чунончи, Марказий Комитетнинг пленумлари кўпинча кечикиб ўтказилади, хусусан район комсомол комитетларининг секретарьлари тайинланади ва кооптация қилинади.

ВЛКСМ Уставига суст риоя қилинаётганлиги ва тарбия ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги комсомол ташкилотларида интизомнинг бўшашувига сабаб бўлди. Комсомолнинг кўпгина а'золари а'золик бадалларини тўламай қўйганлар. 1945—1946 йилларда 1 миллион сўм миқдорида а'золик бадали тўланмаган. Комсомоллар бир жойдан иккинчи жойга кетганларида учётдан чиқмайдилар. Ҳисобот даври ичида 54 минг комсомол а'зосининг қаерга кетганлиги ма'лум эмас.

Ўртоқ Абдураззоқов, колхоз комсомол ташкилотларига раҳбарликнинг бўшлиги комсомол Марказий Комитети, область, шаҳар ва район комсомол комитетларининг ишларидаги жиддий камчилик деб ҳисоблайди. Республикада партия ташкилотлари бўлмаган колхозларда комсомоллар олдига катта талаблар қўйилиши керак. Аммо раҳбар комсомол органлари колхоз комсомол ташкилотларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва уларни кучайтириш тўғрисида кўпинча ғамхўрлик қилмайдилар, ҳолбуки колхоз комсомол ташкилотлари колхоз қишлоғининг хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришда катта роль ўйнайдилар.

Комсомол Марказий Комитети раҳбар ходимларни яхши ўрганмайди. Ўртоқ Ҳакимов Тошкент шаҳар Ленин район комсомол комитетининг секретари бўлиб, ўз ишини эплайолмаганлиги ҳолда, унинг Тошкент область комсомол комитетида мактаб ёшлари ва пионерлар ўртасида ишлаш бўйича секретарь қилиб кўтарилганлигига ҳам сабаб шу. Уни тез орада ишдан олишга тўғри келди. Ба'зан шундай аҳволлар ҳам бўлади: комсомол органлари ёш кадрлар блан шуғулланиш, уларни ишга ўргатишни истамай, янги ходимларни андаккина камчилик ва хатолари учун ҳам доим ишдан олдилар.

Ўртоқ Абдураззоқов сўзининг охирида бундай дейди: — Кадрларни ўрганишга кўпроқ э'тибор қилиш, уларни чидам блан етиштириш керак.

Қурултой вакиллари шоир Рамиз Бобожонов томонидан ўқиб берилган ёш шоирларнинг XI қурултойга бағишлаб ёзилган **«Комсомол маҳияси»ни** зўр э'тибор блан тингладилар.

2 февраль эрталабки мажлис

2 февральдаги мажлисда Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ **Усмон Юсупов** катта нутқ сўзлади. Қурултой вакиллари Ўртоқ Юсуповни олқишлаб кутиб олдилар.

Ўртоқ Юсупов, ўз нутқида республика комсомоли олдида турган асосий вазифалар устида батафсил тўхтайди, комсомол ташкилотларининг ишидаги муҳим масалалар тўғрисида, кадрлар ва уларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш, ташкилий ишлар, ёшларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш ва шу сингари масалалар тўғрисида гапирди.

ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Ҳамидов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан охирги сўзини айтди.

Қурултой Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг ишларига баҳо берди. Вакил Ўртоқ Ҳайдаров, ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг сиёсий йўли тўғри ва амалий ишлари қониқарли топилсин, деган таклифни киргизди.

Қурултой бир оғиздан бу таклифни қабул қилди.

Қурултойнинг сўнггги мажлиси

Ўзбекистон комсомолининг XI қурултойи беш кун давом этиб кеча ёпилди.

Қурултойнинг охирги мажлисида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан резолюция қабул қилинди. Бу резолюцияда республика комсомол ташкилотларининг ишларини янада яхшилаш чоралари кўрсатилди.

Қурултой Марказий тафтиш комиссиясининг ҳисобот доклади юзасидан ҳам резолюция қабул қилди.

Яширин овоз бериш йўли блан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Марказий тафтиш комиссиясининг янги составлари сайланди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг а'золари составига 71 киши сайланди. Марказий Комитет а'золари составида қуйидаги Ўртоқлар бор: Усмон Юсупов, Н. А. Ломакин, А. Х. Ҳамидов, М. Абдураззоқов, Б. А. Каппов, И. Азизов, Ш. Саломова, В. Ульянов, М. Бекмурзина, М. Маҳмудов, С. Абдуллаев, Р. Исмоилов, Ж. Н. Тожиева, Н. А. Семенков, Я. Ф. Алексеев, Т. Соатов, М. К. Файзуллина, М. Г. Чиковани, Я. С. Насриддинова, К. Ф. Зайченко, Р. С. Эгамбердиев, А. К. Кравченко, М. Давлатшин, Э. Шаропов, Ҳ. Ҳалилова, А. К. Круглов, А. Авлянова, И. Е. Бурко, Г. Ҳасанов, В. П. Хорошхин, С. Шукуров, Г. Д. Игнатьев, Н. Ш. Иноятов, Х. Султонов, Н. Йўлдошева, М. Ҳамидов, А. Аббосов, Н. Ҳамроев, Б. И. Шихов, Х. Ҳайдаров, З. Аҳмаджонова, Х. Солиқжонова, Н. Д. Круглова, Г. Аюпов, У. Умрзоқова, Ж. Шарипов, А. Музаффаров, М. Раҳмонова, Р. Раҳмонов, И. Ашуров, А. Муҳамедов, У. Сотиболдиева, Н. П. Трибунских, Т. Каримова, Т. Рўзибоев, Р. Сидиқов, И. Набиев, С. Адашев, Ҳ. Ҳудойназаров, Ф. Ражабов, Я. Қаршиев, С. Соҳибов, С. И. Аҳмедов, Н. Бўриева, Х. Отабоев, Ю. Шержонов, К. Раҳмонов, М. Калимбетов, Ж. Жиемуротов, Д. Айтеков, М. Ҳамроева.

Қуйидаги Ўртоқлар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети а'золигига кандидат қилиб сайландилар: Ш. Мансурова, М. Н. Котлова, Г. М. Орлов, Г. Вильданова, А. Қуйчибеков, Р. Умрзоқов, А. А. Филиппов, Г. Казимов, Ғ. Жаҳонгиров, Ш. Исроилова, Т. Н. Закарлюк, Т. Ма'рупов, А. И. Любезнов, А. Халилов, С. Ориппов, К. Матчонов, Б. Тлявов, М. М. Мастико, С. Ф. Соколова, Х. Аҳмедов, Л. Маманова, Р. Расулов, И. И. Баньшчиков.

Марказий Тафтиш комиссияси составига қуйидаги Ўртоқлар сайланди: А. Ф. Муҳамедов, А. М. Мирзаев, З. Ф. Рибак, У. Жалолова, Е. А. Хаит, Я. Б. Аблякимов, И. Ф. Заварин, Т. Расулов, М. И. Беккулов, Б. Аҳмедов, М. Ю. Йўлдошева.

Қурултой вакиллари ғоят баланд руҳ блан Ўртоқ Сталинга табрик телеграммаси юбордилар. Халқларнинг улуғ доҳийси, совет ёшларининг энг яхши дўсти Ўртоқ Сталиннинг номи тилга олинганида ҳамма ўринлан турди. Залда гулдурос олқишлар бошланади, «Улуғ Сталинга шон-шарафлар бўлсин!» деган овозлар эшитилади.

Мажлис раиси Н. А. Ломакин қурултой рўзномасидаги масалалар муҳокама қилинib, тамом бўлганлигини айтди ва Ўзбекистон Ленинчи Коммунист Ёшлар Союзининг XI қурултойини ёпиқ деб э'лон қилади. Вакиллар ўринларидан туриб, партия гимни «Интернационал»ни айтадилар.

Ўзбекистон комсомолининг XI қурултойи ғоявий-сиёсий жиҳатдан юксак даражада ўтди. Бу қурултой Ўзбекистон ёшларининг шонли совет Ватанига, большевиклар партиясига, партиянинг ва совет халқининг улуғ доҳийси Ўртоқ Сталинга чексиз садоқатини намойиш қилиб кўрсатди. Республика комсомол ташкилоти Ўзбекистон коммунист (большевиклар партиясининг раҳбарлиги остида бешйиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун, Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантиришдан иборат Сталинча программани амалга ошириш учун, совет давлатининг қудратини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда коммунизмнинг ғалабаси учун бутун куч ва билимларини сарф қилишга тайёрдир.

ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи пленуми

Ўзбекистон Комсомол Марказий Комитетининг биринчи пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалаларни муҳокама қилди.

Пленум Ўртоқ А. Ҳамидовни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари, Ўртоқ М. Абдураззоқовни ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Ўртоқ Б. А. Капповни ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўйича секретари, Ўртоқ Ш. Саломовани ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг мактаб ёшлари ва пионерлар ўртасида ишлаш бўйича секретари, Ўртоқ И. Азизовни ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг кадрлар бўйича секретари қилиб сайлади.

Пленум, ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг бюросини 11 кишидан иборат сайлади. ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг бюроси составига Марказий Комитет секретарьлари, Ҳамидов, Абдураззоқов, Каппов, Азизов, Саломова ва Тошкент область комсомол комитетининг секретари Я. С. Насриддинова, «Комсомолец Ўзбекистана» газетасининг редактори П. Ф. Алексеев, «Ёш Ленинчи» газетасининг редактори Т. Соатов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт ишлари комитетининг раиси Р. Исмоилов, ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг кадрлар ва ташкилот-инструкторлик бўлими мудирининг ўринбосари А. К. Кравченко, ЎзЛКСМ Марказий Комитетининг ҳарбий-физкультура бўлим мудири Х. Султонов Ўртоқлари сайлади.

Пленум қуйидаги Ўртоқларни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудирлари қилиб тасдиқлади: Ўртоқ З. Аҳмаджонова студент ёшлар бўлимининг мудири, Ўртоқ Х. Султонов ҳарбий-физкультура бўлимининг мудири, Ўртоқ Б. Файзиев деҳқон-ёшлар бўлимининг мудири, Ўртоқ П. Р. Мороз ишчи ёшлар бўлимининг мудири, Ўртоқ А. Григорьев ЎзЛКСМ Марказий Комитети лекторлар группаси бўлимининг мудири.

Пленум ёшлар ва пионерлар газеталарининг мас'ул муҳаррирларини тасдиқлади. Ўртоқ Т. Соатов «Ёш ленинчи» газетасининг мас'ул муҳаррири, Ўртоқ П. Ф. Алексеев «Комсомолец Ўзбекистана» газетасининг мас'ул муҳаррири, Ўртоқ Ғ. Жаҳонгиров «Ленин учқуни» газетасининг мас'ул муҳаррири қилиб тасдиқланди.

☆ ☆ ☆

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Тафтиш комиссиясининг биринчи мажлиси бўлди. Тошкент область комсомол комитетининг кадрлар бўйича секретари Ўртоқ А. Мирзаев Марказий тафтиш комиссиясига раис қилиб сайланди.

ЎзССР Техника экинлари министрлиги МТСлари бўйича 1947 йил 1 февральгача трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонти планининг бажарилиши ҳақида

МА'ЛУМОТ

(1946—47 йил кузги-қишки ремонт планига нисбатан процент блан)

ОБЛАСТЬЛАР	Ремонтдан чиқарилган				тахт қилиб қўйилган тракторлар
	тракторлар	плуглар	сеялкалар	культиваторлар	
Тошкент	63,3	62,1	40,7	16,8	56,6
Фарғона	53,4	63,0	71,9	57,6	53,0
Наманган	49,5	82,4	96,5	39,6	30,1
Андижон	59,5	53,8	51,6	30,3	38,4
Самарқанд	60,2	45,9	43,5	31,7	43,8
Бухоро	53,5	59,5	70,2	21,2	50,9
Қашқадар'ё	65,8	86,4	62,4	53,3	57,8
Сурхондар'ё	80,3	59,8	45,5	—	72,9
Хоразм	55,7	57,4	61,3	17,9	58,8
Қорақалпоғистон АССР	54,9	45,2	68,8	8,8	64,3
жам'и	58,1	59,4	60,9	30,2	50,4

ТРАКТОРЛАР УЧУН ҚУПЛАБ ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

ЛЕНИНГРАД (ТАСС). Куйбишев номидаги карбюратор заводи кўклам экиш кампанияси бошлангунга қадар мамлакатдаги колхозлар, совхозлар ва МТС ларга 5 миллион 300 минг сўмлик турли трактор эҳтиёт қисмлари тайёрлаб бериши керак. Завод коллективи РСФСР Олий Советига сайлов шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, колхоз қишлоғининг бу муҳим заказини муваффақият блан бажаромоқда. Ҳозиргача қариб 3 миллион сўмлиқдан ортиқ эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилди. Бу қисмлар Ставрополь ўлкаси, Пенза ва Иркутск областьларига жўнатилди.

Республика пахтакорлар қурултойи шарафига кўкламга тайёргарлик ишларини ҳартарафлама қизитиб юборайлик!

Наманган пахтакорларининг вакиллари

НАМАНГАН (**«Қизил Узбекистон» мухбиридан**). Шу йил 7 февральда Тошкентда бўладиган республика пахтакорларининг тўртинчи қурултойига Наманган область пахтакорларидан 142 вакил қатнашади. Область пахтакорлари қурултойга колхоз ва совхоз пахта далаларининг отоқли илғорларини, агрономларни, партия ва совет ходимларини вакил қилиб сайламоқдалар.

Наманган район Дегризлик даҳасидан, ўтган йил гектаридан 41 центнер пахта берган Сталин номли колхоз а'золарининг умумий йиғилиши қурултойга вакил қилиб ўз раислари ўртоқ Убайдуллаевни сайладилар. Шу райондаги «Қизил шахматчи» колхозидан юзцентнерчи бригада бошлиғи донгдор пахта устаси ўртоқ Тожихон Асқарова сайланди.

Шунингдек, Янгиқўрғон, Уйчи ва бошқа районлардан ҳам республика пахтакорларининг тўртинчи қурултойига энг муносиб вакиллар сайланди. Булар орасида Уйчи районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси Раҳмонберди Раҳимбердиев, Ўнқаёт қишлоқ советидаги Ленин номли колхознинг раиси Шаҳзод Хўжамшербердиев, Ворошилов номли колхознинг раиси Эгамбердиев ва бошқа ўртоқлар бор.

Областьнинг Учқўрғон, Чуст, Поп, Тўрақўрғон районларидаги пахтакорлардан ҳам энг яхши пахта усталари қурултойда қатнашадилар.

Областьдаги колхоз, совхоз ва МТСларда республика пахтакорларининг тўртинчи қурултойини янги совғалар блан кутиб олиш учун кўклам экиш ишларига тайёргарлик кенг қизитиб юборилди.

Илғорлар қурултой вакили

КАТТАҚЎРҒОН (**«Қизил Узбекистон» мухбиридан**). Самарқанд областининг пахтакор районларидаги колхозларда бўлиб ўтган йиғилишларда Узбекистон пахтакорларининг тўртинчи қурултойига вакиллар сайланди. Булар пахтадан юқори ҳосил олишда катта муваффақиятларга эришган колхоз қишлоғининг илғор кишиларидир.

Қурултойга сайланган вакиллар орасида Пахтакор район Султонобод қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхознинг раиси — орденли Очил Қаландаров, шу районнинг Бойқут қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхознинг раиси — орденли Номозов, Хатирчи район Султонобод қишлоқ советидаги Сталин номли колхознинг раиси, Узбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган, орденли Абдурахмон Шўлатов ва шу колхознинг гектаридан 70 центнер пахта берган звено бошлиғи Султоной Юсупова, Каттақўрғон районидаги «Пролетар» колхозининг звено бошлиғи Ҳакимов, «Қизил рабочий» колхозининг раиси Нуриддинов ўртоқлар ва бошқа илғор пахтакорлар бор.

Қурултойга Каттақўрғон районидан 11 киши, Пахтакор районидан 20 киши, Хатирчи районидан 22 киши вакил қилиб сайланди.

Фарғона областида трактор ремонтининг сур'ати паст, сифати ёмон

(**«Қизил Узбекистон»нинг Фарғона область мухбиридан**)

Фарғона областининг пахтакорлари андижонликларнинг чақирғига қўшилиб, 1947 йилда пахта майдонини 122 минг гектарга етказиш, ҳар гектардан 18 центнер ҳосил етиштириш ва мамлакатга 220 минг тонна пахта бериш мажбуриятини олганлар.

Бу катта вазифани муваффақиятли бажариш учун кўкламга ҳартарафлама пухта тайёрлик кўриш, айниқса механизациядан унумли фойдаланиш учун мавжуд трактор ва барча қишлоқ хўжалик машина-асбобларини ўз вақтида ремонтдан чиқариб тахт қилиб қўйиш талаб қилинади.

Кўклам дала ишлари бошланишига жуда оз вақт қолди. Аммо, областьда трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини кўкламга тайёрлаш ниҳоятда сует бораётир. Область техника экинлари бўлимининг ма'лумотига кўра, 28 январьгача ремонтга қўйилган 960 СХТЗ тракторидан 318 таси, 137 НАТИдан 65 таси ва 880 «Универсал»дан 376 таси ремонт қилинган, халос. Трактор ремонтида юз берган бу қолоқлик кўп МТСларнинг ремонтга ҳалигача жиддий киришмаганликларини, район партия комитетлари МТСларга партия раҳбарлигини кучайтиришлари ҳақида УзК(б)П Марказий Комитетининг сўнгги пленуми чиқарган қарорларни ёмон бажараётганларини кўрсатади.

УзК(б)П область комитети ва область ижроия комитети МТСларда трактор ремонтининг борини ҳақида бирнеча марта қарор чиқариб, орқада қолаётган МТСлар ва район партия комитетлари раҳбарларини огоҳлантирган эди. Лекин область ташкилотларининг раҳбарлари (УзК(б)П область комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири Иброҳимов, область техника экинлари бўлимининг бошлиғи Акрамов ўртоқлар) бу қарорларнинг ижросини кузатиб бормаганликлари сабабли, ишда ҳануз ўзгариш бўлмаётир.

Бағдод районидаги 1-нчи МТС (директори Бандурин, механизатори Чумаченко ўртоқлар) трактор ремонтида ҳаммадан орқада қолмоқда. Бу МТСда ремонт плани фақат 17 процент бажарилган. 59 ҳайдов тракторидан атиги 9 таси ремонтдан чиқарилган. МТСнинг трактор ремонтида бундай судралиб қолишига асосий сабаб Бандурин ва Чумаченко ўртоқлар ремонт сур'атини тезлаштиришда катта восита бўлган бригада-узел усулини қўлланмасликлари ҳамда тракторчилар ва ремонт ишчиларига қулай иш шароити турдирмасликларидир.

Тошлоқ районидаги 2-нчи МТСда тракторлар МТС паркидан ташқарида — Заркент қишлоқ советидаги Сталин номли ва Бирлик қишлоқ советидаги Қўчқор Турдиев номли колхозларга келтириб, ремонт қилинмоқда. Бу эса ремонтнинг сур'ати паст бўлиб, иш ёмон сифат блан бажарилишига сабаб бўлаётир. Шунинг натижасида ремонтга қўйилган 24 ҳайдов тракторидан энди учтаси ремонтдан чиқарилди.

Область ва район ташкилотларининг ёнгинасида бўлган Фарғона МТСи ҳам трактор ремонтида жуда судралиб қолмоқда. Планда кўрсатилган 42 трактордан энди 17 таси ремонт қилинган. Аммо, буларнинг кўпчилиги енгил ремонтдир, катта ремонт қилиниши керак бўлган 9 тракторлан ҳозиргача фақат биттаси ремонтдан чиқарилган. Тракторчилар ва ремонт ишчилари ўртасида меҳнат интизоми жуда бўшашиб кетган. Район партия ва совет ташкилотлари (райком секретари Йўлдошев, райижроком раиси Боқибоев ўртоқлар) МТСда ремонтни тезлатиш ҳақида жуда кўп қарорлар чиқардилар. Лекин бу қарорлар амалга ошмай, қоғозда қолиб келмоқда.

Областьдаги кўп МТСларнинг директорлари тракторларга найда қисмларнинг етишмаслиги баҳонаси блан, катта ремонт қилиниши лозим бўлган тракторларни тўхтатиб қўйиб, фақат енгил ремонт блан шуғулланмоқдалар. Масалан, Куйбишев районидаги МТСда (директори Журин, механизатори Борисов ўртоқлар) катта ремонтга қўйилган 11 ҳайдов тракторидан фақат иккитаси ремонтдан чиқарилган. МТС раҳбарлари «аввал кичик ремонтни қўлдан чиқариб, катта ремонтни аста-секин қилаберамиз» деган зararли фикр блан МТС ҳаётида ҳал қилучи аҳамиятга эга бўлган катта ремонт га э'тиборсиз қараб келмоқдалар. Молотов районидаги 2-нчи МТСда эса, катта ремонт талаб қилган 7 тракторлан биттаси ҳам ремонт қилинмаган. Тошлоқ районидаги 1-нчи МТСда 7 тракторни катта ремонтга қўйиш ўёқда турсин, ҳалигача бу тракторларнинг моторлари ремонт заводига юборилган эмас.

Областьдаги МТСларда тракторларнинг тирков асбоблари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш ҳам кечиктирилмоқда. Ремонтга қўйилган 1109 трактор плугидан 287 таси, 927 сеялкадан 444 таси, 845 культиваторлан 278 таси ва 180 чизельдан атиги 32 таси ремонтдан чиқарилган. Кўп МТСларнинг директорлари: «аввал трактор зарур, тирков асбоблари кейин ремонт қилинса ҳам бўлади» деб бу ишни навбатга қўймоқдалар. Афтидан улар тракторларни тирков асбоблариси ишлатиш мумкин эмаслигини унутганга ўхшайдилар.

Шуни ҳам айтиш керакки, областьдаги МТСларда трактор ремонтининг сифатига ҳам э'тибор қилинмаётир. Тошлоқ районидаги 1-нчи МТСнинг ўртоқ Умаров бошлиқ бригаласида кичик ремонтлан чиқарилган 54-нчи рақамли ХТЗ тракторидан 40 та етишмовчилик топилди. Шу МТСнинг ўртоқ Абдулазизов бошлиқ бригаласига қарашли 32-нчи рақамли универсалда 29 та камчилик борлиги аниқланди. Бундай аҳвол Охунбобоев районидаги 1-нчи, Каганович районидаги 1-нчи МТСларда ва бошқа кўп МТСларда ҳам учрамоқда.

Фарғона областидаги МТСларда тракторларни ремонт қилишдаги қолоқлик, айниқса иш сур'атининг суслиги, ремонт сифатининг ёмонлиги областьда кўклам дала ишларининг ўз вақтида муваффақиятли ўтказилишига катта тўсқинлик қилиш хавфини туғдирмоқда. Область ва район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб, бу жиддий хавфнинг ҳозирдан олдини олишлари керак.

Қ. ЮСУПОВ.

Амалий ёрдам

Тошкент гўшт комбинатининг коллективи СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1946 йил 2 февральда Узбекистонда пахтачиликни ривожлантириш ҳақида чиқарган қарорини муҳокама қилгач, ўтган йил Пискент районидаги Жданов номли колхозни оталиққа олган эди. Колхознинг баҳорга тайёргарлик юзасидан тузган графигига асосан комбинат темир, кўмир, арава ўқлари ва тракторлар учун зарур қисмларни ҳамда слесарь, токарь, темирчи ва арава усталаридан иборат 14 кишини колхозга юборди. Бу бригада бир ой ичида колхознинг 6 арава, 1 трактор, 100 га яқин кетман ва бошқа қишлоқ хўжалик асбобларини сифатли қилиб ремонтдан чиқариб берди.

Гўшт комбинати колхозга йил бўйи ёрдам берди. Бу эса, колхознинг қолоқликдан чиқиб, илғорлар қаторига ўтишига катта кўмак бўлди.

Колхоз районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш давлат планини 142 процент бажарди, шунингдек, 1946 йил ва 1947 йилнинг биринчи квартал гўшт, ёғ, жун тухум ва тери каби маҳсулот топшириш давлат мажбуриятларини ҳам 100 процент бажарди.

Комбинат партия ташкилоти (секретари ўртоқ Абдураҳим Аҳмедов) 1947 йилда юқори ҳосил олиш учун оталиқдаги колхозга амалий ёрдам бермоқда. Тракторларнинг тўхтовсиз ишлашини та'миндаш мақсадида токарь, слесарь ва темирчилардан иборат алоҳида авто-ремонт бригадаси ташкил этилди. Бригада 9 хил трактор қисмлари блан та'мин этилди.

Комбинатнинг механика цех стахановчилари кўчма ремонт машинасини тўла ремонтдан чиқариб қўйишлар. Март ойнинг охиригача тайёрланиши лозим бўлган 1740 та қисмлан 552 таси тайёрланди. Стахановчилардан Ражабов, Захаров ва Сматров каби ўртоқлар ўз ва'даларининг устидан чиқиб, қишлоқ хўжалик машина асбобларининг қисмларини тайёрлаш юзасидан кунлик топшириқларни 250—300 процентдан бажармоқдалар.

Колхознинг ма'дан ва маҳаллий ўғитларини ҳамда уруғлик чигитларини ўз вақтида ташиб бериш учун 4 та автомашина ажратилди. Дала шийпонларини безатиш мақсадида ҳар турли адабиёт, расмлар тайёрлаб қўйилди.

Колхознинг кетман, ўроқ каби қишлоқ хўжалик асбобларини ўз вақтида ремонт қилиб бериш учун 10 кишилан иборат ремонт бригадаси ташкил этилди. Улар яқин кунда колхозга жўнаб кетадилар.

Е. ШУКУРОВ.

Сайловчилар ўз номзодлари блан учрашмоқдалар

Стахановчи Иван Егорович Шапошников

Пионерлар уйида, Самарқанд шаҳар Марказий сайлов округининг меҳнаткашлари Узбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган «Красний двигатель» заводининг стахановчи ишчиси орденли ўртоқ Иван Егорович Шапошников блан учрашдилар.

Учрашув йиғилишини ишончли вакил— «Красний двигатель» заводининг инженери ўртоқ Китаев очади. У, ўртоқ Шапошниковнинг таржимаий ҳоли блан сайловчиларни таништириб, бундай деди:

—Ўртоқ Шапошников «Красний двигатель» заводида 10 йилдан буён ишлайди. Стахановчи ўртоқ Шапошников уруш йилларида фидокорона меҳнат қилди. Ҳозирги пайтда тўртинчи бешйиллик планини бажариш учун курашда ҳам ўз меҳнати блан бошқаларга намуна бўлмоқда. Ўртоқ Шапошников заводда сайлов мусобақасида илғорлар қаторида бораётир. Мен ҳаммангизни сайлов кунида ўртоқ Шапошников учун овоз беришга чақираман.

Сайловчилар томонидан самимий кутиб олинган ўртоқ Шапошников уларнинг буюк ишончи учун ташаккур билдирди ва бу ишончга муносиб ишлаяжагини айтди.

Участканинг ишончли вакили ўртоқ Степанов ҳам сўзга чиқиб, ўртоқ Шапошниковнинг ҳаёти ва иш фаолияти ҳақида гапирди ва сайловчиларни муносиб номзод учун яқдиллик блан овоз беришга чақирди.

Ғ. АШУРОВ.

Юзцентнерчи звено бошлиғи

Тошкент область Янгибозор сайлов округи сайловчиларининг УзССР Олий Совети депутатлигига номзоди рўйхатга олинган ўртоқ Ўғилбуви Миртурсунова блан бўлган учрашуви самимий вазиятда ўтди.

Юқорличирчиқ район Биринчи Май қишлоқ советида бўлиб ўтган бу йиғилишни ишончли вакил ўртоқ Довудбеков очди. У, сайловчиларни депутатликка номзоди кўрсатилган юзцентнерчи звено бошлиғи ўртоқ Миртурсунованинг таржимаий ҳоли ва фаолияти блан таништирди.

Янгибозор қишлоқ советидан, 93 яшар колхозчи Улуғбой ота Ўйбетов сайловчиларга қараб шундай деди:

—Мен шу ёшгача яшаганим, Сталин Конституцияси қуёши остида турмуш кечириш даврига етганим учун қувонаман. Шу блан бирга, мен бугун замонамизнинг асл ўғил ва қизлари қаторида УзССР Олий Совети депутатлигига ўз қишлоғимиздан етишиб чиққан пахтадан мўл ҳосил олишнинг устаси Ўғилбуви Миртурсунованинг номзоди учун овоз бериш шарафига муяссар бўлганим блан ўзимни бахтиёр деб хис қиламан. Барча сайловчиларни илғор звено бошлиғи Миртурсунова номзоди учун овоз беришга чақираман.

Карл Маркс номли колхоз а'зоси Дўсанов сайлов кунини кўкламга намунали тайёрланиш блан кутиб олажагини айтади. Шу блан бирга, у барча сайловчиларни депутатликка муносиб номзод бўлган Миртурсунова учун яқдиллик блан овоз беришга чақиради.

Йиғилиш охирида сўзга чиққан ўртоқ Миртурсунова сайловчиларнинг ишончини оқлаш учун тинмай меҳнат қилишга ва 1947 йилда ўз звеносидаги ҳарбир гектар ердан 100 центнер пахта ҳосили етиштиришга ва'да беради.

Сайловга тайёргарлик ишидаги камчиликлар дарҳол тугатилсин

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАГИ МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ МУАССАСАЛАРИ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИГА ЯХШИ ХИЗМАТ ҚИЛМАЕТИР

Узбекистон ССР Олий Советига сайлов куни яқинлашмоқда. Шундай бўлишига қарамай, Фарғона области ва районларининг маданий-оқартув муассасалари бўлимлари ҳалигача ўз ишларини сайлов кампаниясига мослаб олиб бормаётирлар.

Областьда 125 та қишлоқ қизил чойхоналари бор. Аммо, бу чойхоналарда маданий-оқартув ишларини олиб борим жуда ёмон аҳволда. Сўх, Бувайда ва Охунбобоев районларидаги кўп қизил чойхоналар сайловчиларнинг талабларига жавоб берарли эмас.

Охунбобоев районининг Молотов, Йўлдошобод қишлоқ советларидаги чойхоналарда қизил бурчаклар ташкил этилмаган. Шунингдек, бу чойхоналар сайловга доир адабиётлар, газета, журналлар блан ҳам та'минланмаган, радио ишламайди.

Область маданий-оқартув муассасалари бўлими ҳузуридаги лекция бюроси (мудири ўртоқ Барановский) УзССР Олий Советига сайлов олдидан жойларда лекция, пропаганда ишларини яхши йўлга қўймаган, илмий пропаганда ишлари ўзиб бўлмасликкка ташлаб қўйилган.

Область бўйича 16 районда маданият уйи бўлсада, буларнинг кўпчилиги ёмон ишлаётир. Айниқса Бағдод, Сўх, Қува район маданият уйларида оммавий, маданий-оқартув ишлари жуда бўш қўйилган. Маданият уйлари дурустгина безатилмаган ҳам. Ишчилар, колхозчилар, ўқучи ёшлардан ҳаваскорлар тўгараклари ташкил этиш учун ҳамма имкониятлар бор. Броқ, бу имкониятлардан фойдаланилмаётир.

Фарғона область маданий-оқартув бўлими (мудири ўртоқ Умурзоқов) маданий-оқартув муассасаларининг сайловга тайёрлик даврида меҳнаткашларга яхши хизмат кўрсатишини та'миндаётир. Қизил чойхона, қироатхоналарда илмий лекция ва суҳбатлар ўтказиш, маданият уйлари ҳузуридаги ҳаваскорлар тўгараклари ва колхозчиларга концертлар қўйиб беришини та'минлашга аҳамият бермаётир.

Т. ПУЛАТ.

ЎзК(б)П Марказий Комитети XV пленумининг қарорларини тўла бажарамиз

Узбекистон К(б)П Марказий Комитетининг XV пленуми саноат корхоналарининг трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари учун детальлар тайёрлаш блан яхши шуғулланмаётганликларини, шаҳардаги оталик ёрдамини сусайтириб қўйганликларини қайд қилиб ўтди.

Шу йилнинг 15 январида бўлиб ўтган Куйбишев район партия комитетининг пленуми ЎзК(б)П Марказий Комитети пленумининг қарорини муҳокама қилиб, шу вақтга қадар йўл қўйиб келинган хаталарни тузатиш чораларини белгилади. Ҳозирги кунда корхоналарнинг бошланғич партия ташкилотларида ўтаётган партия-йиғилишларида социалистик қишлоқ хўжалигига ёрдамни кучайтириш масалалари муҳокама қилинаётир. Бошланғич партия ташкилотлари трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари детальлари ишлаб чиқариш топшириғини тўла ва ошириб бажариш чораларини белгиламоқдалар. Бу йил районимиздаги корхоналар ўтган йилга қараганда 374 минг сўмлик кўп трактор детальларини ишлаб чиқаришлари ва умумий маҳсулотни 1 миллион 191 минг сўмгача етказишлари керак.

Райондаги корхоналар шу йилнинг биринчи ярмида 49 хил трактор детальларини ишлаб чиқаришлари лозим. Уларнинг умумий сони 130 минг 650 дона бўлади. Шунингдек 111 минг 150 дона 67 хил қишлоқ хўжалик машина детальларини тайёрлаб беришимиз керак. Бу йил Ворошилов номли завод СТЗ тракторлари учун зарур бўлган жуда муҳим детальлар ишлашни йўлга қўйиши керак. Аввал бундай детальларни завод ишлаб чиқармас эди.

Куйбишев районидаги корхоналар УзК(б)П Марказий Комитети XV пленуми қарорини қандай бажараётирлар?

20 январьгача қилинган ишлар давлат топшириғини тўла ва ошириб бажариш имконияти борлигини яққол кўрсатади. Мисол учун Ворошилов номли заводни олайлик. Бу заводга 37 хил деталь тайёрлаш вазифаси берилган. 15 хил деталь юзасидан завод ойлик топшириқни муддатидан аввал бажариб қўйди. Аммо, цех бошлиқлари график асосида иш олиб бормаётирлар. Шу сабабли, қолган детальларни тайёрлаш кейинга судралмоқда.

Кейинги кунларда корхоналардаги бошланғич партия ташкилотлари ва район партия комитети трактор детальлари ишлаб чиқариш устидан назоратни кучайтира бошлади. Детальлар тайёрловчи ишчилар ўртасида сайлов олди социалистик мусобақасини кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу мусобақа меҳнат унумини ошириш, давлат топшириғини бажариш, шу блан бирга қишлоқ хўжалигига ёрдамни кучайтириш учун катта имкониятлар борлигини кўрсатмоқда.

Ворошилов номли завод ишчилари сайлов олди социалистик мусобақасига қўшилиб, детальлар тайёрлаш ярим йиллик планини 20 мартгача бажариш мажбуриятини олдилар. Бу заводнинг қуйиш цехида ўртоқ Абакумова бошчилигидаги қолипчи комсомол ёшлар бригадаси кунлик топшириқни 200 процент бажармоқда. Исматуллаев, Ҳабибуллин, Обрубщиков, Комиссаров каби стахановчилар топшириқларни ошириб бажараётирлар. 8-нчи цехлаги токарьлардан Барков ва Нестеров ўртоқлар ҳар куни 2—3 норма бажармоқдалар. Коммунист Мешков бошчилигидаги цех аниқ график асосида, бир ме'ёрда иш олиб бораётир.

Аравасозлик заводининг коллективи ҳам детальлар тайёрлаш ярим йиллик планини 4 ойда бажариш мажбуриятини олди. Чўян қуйиш ва экскаватор заводларининг коллективларида ҳам сайлов олди социалистик мусобақаси қизимоқда.

Узбекистон партия Марказий Комитети ва Министрлар Совети трактор детальларини кўпайтириш учун барча имкониятни сафарбар қилиш вазифасини қўйди. Шунинг учун детальлар тайёрлаш плани берилмаган бошқа корхоналарни ҳам бу ишга жалб эта бошладик. Шу жумладан, 7-нчи вино заводи, граммофон пластинкалари заводи, 1, 2, ва 3-нчи тегирмонлар, ҳар хил устаханолар ҳам трактор детальлари тайёрлашга киришдилар.

Пахтакорларга бераётган ёрдамимиз детальлар тайёрлаб бериш блангина чекланмайди, албатта. Районимиздаги корхоналар МТСларга ихтисосли токарьлар, слесарьлар, темирчилар ва бошқа ишчилардан 114 киши юборишга қарор қилди. Ҳозирги кунда шулардан 41 киши МТСларга бориб, тракторлар ремонтига ёрдам бераётир. Булардан ташқари ҳарбир корхона ва ташкилот ўз оталиғидаги МТСларга ремонтчи бригадалар юборди.

Районлаги корхоналар 6 та кўчма устахона ташкил қилаётирлар. Бу устаханолар материал, асбоб, ускуна ва малакали ишчилар блан та'мин қилинган.

Ворошилов номли завод комсомоллари (комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Лукашин) пахтакорларга ёрдамни кучайтириш соҳасида ажойиб ташаббус кўрсатдилар. Улар МТСлар учун эгов, калиш ва шу каби 1.800 дона ҳархил асбоб тайёрлаб бердилар. Экскаватор заводининг комсомоллари ҳам ана шундай ташаббус кўрсатдилар.

Ворошилов номли ва ремонт-механика заводларининг большевикларига тракторларни кўкламга тайёрлашда МТСларга ёрдам бериш каби фахрли вазифа юклатилди. Ворошилов номли завод бу йилнинг биринчи кварталида 250 та тракторни ва ремонт-механика заводи 150 та трактор моторини ремонт қилиб бериши лозим.

Ётиб қолган тракторларни тиклашда ремонт-механика заводи ҳам қатор камчиликларга йўл қўймоқда. Бу муҳим иш учун малакали ишчилар ажратилмаган. Заводда тракторлар тикловчи махсус цех ташкил қилинса ҳам, бу цехда ишловчилар юқори ихтисосли усталар эмас. Шунингдек, завод Главтракторосельмашсбит базасида топилмайдиган детальларни ишлаб чиқаришни ҳали йўлга қўйган эмас.

Граммофон пластинкалар заводи коллективининг ажойиб ташаббуси ҳаммага ўрнак бўларлидир. Завод коллективи 1-мартгача бир тракторни ремонт қилиб бериш мажбуриятини олди ва ишга киришди. Завод ишчилари бу мажбуриятни муддатидан аввал бажармоқчилар. Улардан ўрнак олиб, райондаги кўпгина корхона ва ташкилотлар ҳам ишга киришдилар. Масалан, аравасозлик заводи ҳам 1 тракторни ремонт қилиб бериш ва кўчма устаханолар учун 10 та автомашина кузови тайёрлаб бериш мажбуриятини олди. Тегирмон, элеватор, консерва заводи ва бошқа корхоналар ҳам ана шундай мажбурият олдилар.

Аммо, ҳали қилаётган ишларимиз Узбекистон К(б)П Марказий Комитети томонидан олдимизга қўйилган талабларга тўла жавоб беролмайди. Биз шунга эришишимиз лозимки, саноат корхоналарининг қишлоқ хўжалигига бераётган ёрдами тобора ошсин. Куйбишев районидаги барча коммунистлар, хўжалик ва партия ташкилотларининг раҳбар ходимлари Узбекистон К(б)П Марказий Комитети XV пленумининг қарорини шараф блан бажаришлари лозим.

А. ШКУРАТОВ.

Узк(б)П Куйбишев район комитетининг секретари.

САЙЛОВ ОЛДИ АГИТАЦИЯ-ПРОПАГАНДА ИШЛАРИГА Э'ТИБОР БЕРИЛСИН

(**«Қизил Узбекистон» газетасининг Қашқадар'ё область мухбиридан**)

Бешкент районидаги сайлов участкаларида оммавий-агитация ишлари ҳозиргача кучайтирилиб юборилмаган. Айрим бошланғич партия ташкилотлари бу ишга юзаки қарайдилар. Чунонч: Қаҳлаг қишлоқ советидаги «Ғайрат» колхоз бошланғич партия ташкилоти (секретари ўртоқ Тўраев) агитаторларни танлаш блан чекланди. Натижала агитатор этиб тайинланган 10 кишидан 3 таси шу вақтгача сайловчилар блан бирор марта суҳбат ўтказмади.

Талликурон қишлоқ советидаги «Озод» колхозида оммавий-сиёсий тушинтириш ишларини шу вақтгача бошлаб юбормаган агитаторлар бор. Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Тангриев агитация ишлари блан шуғулланмайди. Бу колхозда 7 агитатор бор, дейдилар. Аммо, улар колхозчилар ўртасида кўп вақт бўлмайдилар.

Қозоқ қишлоқ советидаги «Қизил қўшин» колхозида ҳам сайловчилар блан суҳбатлар ўтказилмайди. Колхоз агитпункти кўп вақт ёпиқ туради. Район партия комитетининг пропаганда-агитация бўлими жойларда сиёсий тушинтириш ишларини жонлантириш учун тегишли тадбирлар белгиламаётир.

Л. ҲАМРОЕВ.

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИДА ХАТО ВА КАМЧИЛИКЛАР

(**«Қизил Узбекистон» газетасининг Наманган область мухбиридан**).

Сайловчилар рўйхатини тузишда заррача бўлса ҳам хато ва камчиликларга йўл қўйилиши сайловчиларни овоз беришда қатнашиш имкониятидан маҳрум қилиши ёки сайловга қатнашишда қийинчилик туғдириши мумкин. Сайловчилар рўйхатини тузиш оддий иш бўлиб қолмай, балки сиёсий аҳамиятга эга бўлган ишдир.

Аммо, Наманган областидаги бирқатор сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатини тузишдек муҳим ишга бепарволик блан қаралган. Масалан, Янгиқўрғон районидаги 185-нчи Ленин сайлов округига қарашли 1-нчи Комсомол сайлов участкаси территориясида тўрт сайловчи рўйхатдан тушириб қолдирилган. Наманган шаҳридаги 298-нчи Марказий сайлов округига қарашли 33-нчи Байналмилал сайлов участкасида сайловчилар рўйхати нотўғри ёзилиб осиб қўйилган. Рўйхатнинг 116-нчи тартибидаги Ойхон, 119 тартибидаги Каромат исмли сайловчиларнинг фамилияларини мутлақо ўқиб бўлмайди.

Шу округнинг 2-нчи Ишқарҳон участкасидаги рўйхатга 256 сайловчи киритилмай қолдирилган, 120 кишининг фамилияси нотўғри ёзилган. Участка сайлов комиссияси а'золари бу ишга э'тибор бермаганларидек, шаҳар Совети ижроия комитети ва райижроком-ининг раҳбарлари ҳам ўзларига қарашли сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатини тузишга яхши раҳбарлик қилмаганлар.

Уоллеснинг хафтада бир марта чиқадиган „Нью репаблик“ газетасида босилган мақоласи

НЬЮ-ЙОРК, 30 январь (ТАСС). Уоллес ҳафтада бир марта чиқадиган «Нью репаблик» газетасида редакция номидан ёзган мақоласида бундай деб огоҳлантиради: агар бундан буён ҳам илмий тадқиқот соҳасида ҳарбийлар ҳукмронлик қиладиган бўлса, Қўшма Штатлар олимларини назорат қилиб туришларига йўл қўйилса, Қўшма Штатлар провардида «ярим харбий полициячи давлат» бўлиб қолади.

«Биринчи марта,—деб ёзади автор,—ҳақиқий фан-илм асри бошланди. Атом физикаси, радар, реактив двигательлар билан учириладиган аэропланлар ва ракеталар ниҳоят олимларни сиёсий арбоблар, савдо-саноат доираларининг вакиллари, генераллар ва касаба союз раҳбарларига қараганда муҳимроқ ўринга қўйди.

Хиросима вақиасига қадар олимларнинг кўпчилиги ўзларини сиёсатдан юқори деб ҳисоблар эди. Ҳатто ҳозир ҳам кўп олимлар фақат ўз шахсий манфаатлари билан овора бўлиб қолган кишилар даражасига тушиб қолмаслик учун сиёсатдан юқори туришни афзал кўраётирлар. Кўп олимлар ҳали ҳам ўзлари эришган илмий муваффақиятлардан қандай мақсаллар учун фойдаланилаётганлигини назар-писанд қилмай, кўпроқ ҳақ тўлаган кишиларга ўзларини сотишни истайдилар. Аммо, бошқа кўп олимлар сўнгги икки йил ичида ўз вазиятларининг ма'навий жиҳати учун чуқур ташвиш тортмоқдалар. Улар, биз фақат ўз билим ва ихтиро'ларимизни сотучи кишиларимизми, ёки янги илмий кашфиётлардан нима учун фойдаланилаётганлигидан яқин манфаатдор бўлган инсонларимизми деган саволни бермоқдалар.

Тарихда биринчи марта ҳарбийлар фан ва олимлар эришган энг яхши кашфиётларни сотиб олиш учун зўр бериб ҳаракат қила бошладилар. Ба'зи катта университетларимиз бошқа манба'лардан олинган ҳамма маблағларга кўра ҳарбийлардан кўпроқ маблағ олмоқдалар. Уруш вақтида Гарвард, Калифорния, Колумбия университетлари ва Массачузет технология институти илмий-текшириш ишлари учун шартнома бўйича 200 миллион доллардан кўпроқ пул олдилар. Жон Гопкинс университети ракета қуроллари соҳасидаги илмий-текшириш ишлари учун Америка Қўшма Штатлари ҳарбий-денгиз флотидан ҳар йили 20 миллион доллар олмоқда. Атом бомбалари тайёрлаш учун университетлар томонидан сарфланган пуллар бу ҳисобга кирмайди. Атом энергияси соҳасидаги илмий-текшириш ишлари учун сарфланган пулларнинг аниқ ҳисобини ҳеч ким билмайди, лекин ҳар ҳолда бунинг учун сарфланган маблағ 100 миллион доллардан ошиб кетса керак.

Урушга қадар Америка Қўшма Штатлари илмий-текшириш ишлари учун ҳар йили қариб 50 миллион доллар маблағ сарфлаб келар эди. Ўтган йили эса, Қўшма Штатлар деярлик 1 миллиард доллар маблағ сарфлади, шундан қарийб 90 процента ҳарбий мақсаллар учун сарфланди.

Ҳарбийлар фақат университетлардагина фанни назорат қилаётирлар деб бўлмайди, албатта. Улар хусусий корхоналар ҳузуридаги лабораторияларни ҳам борган сари кўпроқ ўз назоратлари остига олаётирлар. «Генерал электрик», «Вестерн электрик», «Радио корпорейшн оф Америка» ва «Дюпон» фирмаларидаги ҳарбий текшириш ишларини давом эттириш ва ҳар хил лойиҳалар тайёрлаш учун ҳукумат неча-неча юз миллион доллар маблағ сарфлади. Аэроплансозлик шерикатлари ҳам ўзлари учун жуда фойдали шартномалар тузадилар. Хусусий корхоналар ва университетлардаги аҳвол шундай тус олдики, консерваторлар органи бўлган «Бизнесс week» бу аҳволга якун ясаб, 1946 йил 30 сентябрьда чиққан сонида бундай деб ёзган: «Ҳукуматнинг соф фанга ёрдам бериши ҳозир қисман атайин, қисман эса янглишлик билан тамомила ҳарбий назорат остига олинди. Фанга умумий раҳбарликни ҳарбий эҳтиёжлар белгилайди. Фан учун ҳарбий манба'лардан пул чиқарилади. Соф фан соҳасидаги илмий-текшириш ишлари провардида ҳарбий ташкилотлар ихтиёрига ўтиб қолиши турган гап».

Ҳукумат ҳазинасидан неча-неча миллион доллар маблағнинг бирданига университетларга берилиши ма'навий жиҳатдан ҳам яхши таассурот қолдирмади. Ҳозирги вақтда армия ва ҳарбий-денгиз флотидан бошқа ҳамма манба'лардан кўра, 3-4 марта кўпроқ маблағ олиб турган университетлар бор. Илгари 4-5 минг доллар ҳақ олаётган айрим олимлар ҳозир икки ва уч марта кўп даромад олмоқда. Омади келиб, ҳозир ҳукуматга хизмат қилаётган олимлар ўзларига қараганда эҳтимол анча қобилиятлироқ бўлган, аммо ҳарбийларни қизиқтирмайдиган соҳаларда ишлаётган ўз шериклариданбирданига ўзиб кетдилар.

Маблағ олучи муассаса блан ҳарбий-денгиз флоти ўртасида тузиладиган шартнома жуда мураккаб бўлиб, университетни ҳукумат учун зарур бўлган ишларни мумкин қадар кўпроқ кенгайтиришда моддий жиҳатдан манфаатдор қилади. Университетлар фойда олиб ишлайдиган муассаса бўлмасалар ҳам, улар қилган ҳаражатларига нисбатан «устама чиқимлар» учун муайян миқдорда маблағ оладилар. Шундай қилиб, улар қанча кўп маблағ сарфласалар, шунча кўп маблағ оладилар. Ҳукумат қўшимча маблағ бериб туради. Университетларга бу жуда ёқади. Ана шу даромаднинг кўпая борганлиги туфайли, улар соф фан юқори ғояларга хизмат қилмоқда деб ўзларига тасалли берадилар.

Ҳарбийлар ҳозирги замон урушининг асосий талабларини яхши тушунадилар. Бунинг учун уларни ҳеч ким қоралай олмайди, албатта. Ниҳоят, улар ҳозирги вақтда бутун истиқболни белгилайдиган энг кучли қуролни, я'ни фанни ўз қўлларига ола бошладилар. Аммо, улар фанни ўз қўлларига олишлари блан мудофаламизнинг эҳтиёжларига мувофиқ қурол-яроғларни яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш соҳасидаги вазифалард чегарасидан анча ошиб кетмоқдалар ва шундай қилиб, ўзлари тушинмасдан ва онгсиз равишда фанга путур етказмоқдалар, олимларни йўллан оздирмоқдалар. Америка техника жиҳатидан жуда мураккаб бўлган улуғ урушдан эндигина ютиб чиқди, олимлар блан ҳарбийлар ўртасида ҳамкорлик бўлмаса, Қўшма Штатлар бу урушда бемалол ютқазиб қўйишлари мумкин эди. Мен уруш вақтида олимлар блан ҳарбийларнинг ҳамкорлик қилишини қаттиқ ёқлаб келдим ва бунга эришиш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қиллим. Аммо, ҳозирги вақтда мен ҳамма соҳалардаги илмий ишлар учун ҳарбийларнинг юқорида кўрсатилган миқдорда пул сарфлаётганлиги туфайли, ўзимизни ҳануз уруш ҳолатида деб ҳисобlaйман. Ҳақиқий тинчлик ўрнатилса, биз атом бомбалари, бактерия ва химия уруши, товуш тезлигидан ҳам тезроқ учадиган аэропланлар ер юзидаги истаган шаҳарни ҳароб қилаоладигган ракеталар соҳасидаги илмий-текшириш ишлари учун ҳар йили неча-неча юз миллион доллар пул сарфламайдиган бўлур эдик.

Дун'ёда кишини энг қувонтирадиган нарса ҳаётни фаровон ва завқли қилиладиган янги кашфиётлардир. Қишлоқ хўжалик соҳасида ишлаб, ҳосилни ошираётган олимлар ўз ишларидан роят мамнун бўлишлари мумкин. Аксинча, дун'ёда энг ҳунук нарса—илмий методлардан тинч вақтда инсоният ҳаётини ҳароб қиладиган мақсаллар учун фойдаланишдир. Мен армия ва ҳарбий-денгиз флотида доим хизмат қилучи кишиларни мустасно қиламан. Бу кишилар тинч вақтда ҳам ўз бурчларини ўташлари керак. Аммо университетларда ва саноат лабораторияларида ишлаётган олимларнинг ўз бурчлари бор, тинч вақтда ударнинг бурчи янги кашфиётлар блан турмушни бойитишдан иборатдир.

Агар фан ўз вақтининг кўп қисмини инсоният ҳаётини ҳароб қиладиган йўллари қидиришга сарфласа, у пасткаш нацизм даражасига тушиб қолади.

Университет ма'мурлари ҳамиша маблағ танқислигини сезиб келмоқдалар. Шу сабабдан, жуда кўп маблағлар олаётган ҳарбийлар учун турли йўллар блан университетларга суқилиб кириш қийин эмас.

Ҳарбийлар армия ва флотга ҳеч бир алоқаси бўлмаган маориф ва саноат масалаларига аралашганида, университетлардаги ўқитучилар одатда уларга та'зим қиладилар. Гитлер ва Кайзер Вильгельм ҳар нима десалар ҳам, одам учун яратилмаган. Америка ҳарбийлар назорати остида яшаш учун барпо қилинмаган. Боболаримизнинг кўпчилиги ҳаллан ошган милитаризмдан қутилиш учун Европадан кўчиб кетган. Агар Америка халқи ҳозирги вақтда фан университетлар ва жамоат ҳаётида ҳарбийларнинг ҳукмронлик қилишига йўл қўйса, бунинг айби одамларни қиралиган қуролларни тайёрлаш учун тинч вақтда конгресслан пул ола билган тажрибали пропагандистлар зиммасига эмас, балки халқнинг ўз зиммасига тушади.

«Ҳукумат саноатда илмий-текшириш ишлари учун пул чиқарганида, бу ишни граждан ташкилот ёки ҳарбий ташкилот воситаси блан олиб боришидан қат'ий назар, у патент ҳуқуқлари масаласи блан қизиқиши керак. Ҳатто ҳарбий мақсаллар йўлида олиб борилаётган илмий ишлар ҳам, одатда тинч мақсаллар учун аҳамиятга эга бўлган ба'зи натижаларни беради. Ана шу натижалардан фойдаланиладиган патентлар саноатга бепул топширилиб қўйилмаслиги керак. Саноат шундай саҳаки, ўтмишда ҳарбийлар, айниқса ҳарбий-денгиз флоти шу йўл блан саноатдаги дўстларига кўп ёрдам қилиб келади. Армия Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг патентларини бирмунча пухта ҳимоя қилди. Патентлар кўпинча монополияларнинг ихтиёзи бўлиб келди. Ҳукумат давлат пулини сарфлаб эришилган илмий кашфиётларни бепул бериш йўли блан монополияларни мустаҳкамлашдан сақланмоғи керак.

Фан, деб ёзади Уоллес, истиқболимизнинг етакчисидир. Фан бизларни бахтсизлик йўлидан олиб кетиши ёки бахт-саодат дун'ёсига эриштириши мумкин. Фан—ҳамма халқларнинг мулкидир. Халқ фанни айрим бир гуруҳ (бу гуруҳ ҳарқанча ватанпарвар бўлмасин) ўз қўлига олиб қўйишига йўл қўёлмайди. Тинч вақтда ҳарбийларнинг фан соҳасида ҳукмронлик қилишига йўл қўйиш мумкин эмас. Агар биз ҳозирги аҳволнинг давом этишига имкон берсак, провардида Америка Қўшма Штатлари ярим ҳарбий полициячи давлат бўлиб қолади. Ҳеч ким бундай фикрга келмас эди. Аммо, ҳозирги вақтда шундай кучлар ишлаб турибдики, агар халқ ўзи сайлаб қўйган вакиллари орқали бу тўғрида шовқин кўтармаса, бу кучлар муқаррар суратда шу натижага олиб келади. Университетларди олимлар қандай йўл тутишларини халққа кўрсатишлари керак».

СТАЛИНГРАДДАГИ УЛУҒ ҒАЛАБАНИНГ ТУРТ ИЙЛЛИГИ ТУҒРИСИДА ГОЛЛАНДИЯ МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ГААГА, 2 февраль (ТАСС). Голландия матбуоти Сталинград ёнидаги тарихий жангнинг тўрт йиллигига бағишлаб бирнеча мақола босиб чиқарди. «Де Ваархейд» газетаси ёзади: «Мамлакатимизни озод қилиш Сталинградда бошланди. Сталин шаҳри тарихда мисли кўрилмаган қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Совет халқининг қаҳрамонлиги туфайли Голландиямиз озод бўлди. Биз совет халқидан роят миннатдормиз».

ИСПАНИЯНИНГ РЕСПУБЛИКАЧИ ЯНГИ ҲУКУМАТИНИ ТУЗИШГА ДОИР

ПАРИЖ, 1 февраль (ТАСС). Франс Пресс агенглиги хабар берди: Испания республикасининг президенти Мартинес Баррио Хиральга Испаниянинг республикачи янги ҳукуматини тузиш вазифасини топширган эди. Лекин Хираль бу топшириқни қабул қилмади. Шундан кейин ҳукумат тузиш вазифаси Аугусто Барсиа Трельесга топширилди. Трельес илгариги Хираль ҳукуматида молия министри эди.

ИНГЛИЗ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ЎЗ МЕҲНАТЛАРИГА ЭРКАКЛАР БЛАН БАРАВАР ҲАҚ ТУЛАНИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДАЛАР

ЛОНДОН, 30 январь (ТАСС). Рейтер агентлиги билдиради: 30 январьда Лондонда хотин-қизларнинг оммавий митинги бўлиб ўтди. Митингда 75 дан ортиқ турли ташкилотдан вакил бўлиб келган 3 мингдан ортиқ инглиз хотин-қизлари қатнашди.

Митингда яклиллик блан резолюция қабул қилинди. Резолюцияда инглиз хотин-қизларининг «баравар меҳнат учун эркаклар блан баравар ҳақ тўлансин» деган шиор остида кураш бошлашга тайёр эканликлари айтилади.

Резолюцияда ҳукумат ва жамоат корхоналарида хотин-қизларга баравар меҳнат учун эркаклар блан баравар миқдорда ҳақ тўлаш тўғрисидаги принципни амалга оширишни ҳукумат то ҳозиргача пайсалга солиб келаётганлиги туфайли норозилик билдирилади.

Митингнинг резолюцияси Англия бош министри Эттлига юборилди.

ГИТЛЕРЧИ ЖИНОЯТЧИ ГАНС ФРИЧЕ ҲУКМ ҚИЛИНДИ

ЛОНДОН, 31 январь (ТАСС). Рейтер агентлиги Франк-фуртдан билдиради: Нюрнбергда Халқаро Ҳарбий Трибунал томонидан оқланган Ганс Фриче мамлакатни нацистлардан тозаловчи германсуди томонидан бугун 9 йил қамоқ лагерига ҳукм қилинди.

Мамлакатни нацистлардан тозаловчи суднинг прокурори доктор Мюллер 30 январьда судга ма'лумот бериб, илгари гитлерчиларнинг радио обзорчиси бўлган Ганс Фричега жуда қаттиқ жазо берилишини талаб қилиб немислардан мингларча хат келмоқда, деди.

Прокурор судда сўзлаган нутқида, Фриче асосий жиноятчи деб қаралсин, у суд гача турмада ётган вақтини ҳисобга олмасдан 10 йил қамоқ лагерига ҳукм этилсин, мол-мулки мусодара қилинсин, келгусида жамоат вазифаларида ишлаши тақиқлансин, сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилсин ва бирорта партия, касаба союзи ёки касаба уюшмасига а'зо бўлиб кириши тақиқлансин, деб талаб қилди.

Прокурор, агар қонунда бошқа бирон қаттиқ жазо кўзда тутилган бўлса, мен Фричега ўлим жазоси берилишини талаб қилар эдим, деди.

ГИТЛЕРНИНГ ШАХСИЙ ФОТОГРАФИ УСТИДАН ҲУКМ

ЛОНДОН, 1 февраль. (ТАСС). Лондон радиоси билдиради: кеча Мюнхенда идораларни нацистлардан тозаловчи суд Гитлернинг шахсий фотографи Гофманни 10 йил муддат блан каторга ишларига ҳукм қилди.

ИТАЛИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

РИМ, 2 февраль (ТАСС). Ҳукумат кризисини бартараф қилиш тўғрисида 12 кун музокара олиб борилганидан кейин, христиан-демократлар партиясининг раҳбари де Гаспери янги ҳукумат тузди. Де Гаспери (христиан-демократ) министрлар советининг раиси. Министрлар составидан 6 христиан-демократ, 3 коммунист, 3 социалист ва 2 мустақилчи бор.

ИТАЛИЯДА ИШСИЗЛИК

РИМ, 31 январь (ТАСС). Ижтимоий та'минот органларининг «Глобо» газетасида э'лон қилинган расмий ма'лумотларга қараганда, 1946 йил 31 декабрьда Италияда икки миллиондан ортиқ ишсиз бўлган.

1946 йилнинг декабрь ойида бутун мамлакатда ишсизлар сони 100.256 кишига шу жумладан саноатда 46 минг киши ортган.

НЮРНБЕРГДА НАЦИСТЛАРДАН ТОЗАЛОВЧИ СУД БИНОСИДА БОМБА ПОРТЛАДИ

ЛОНДОН, 2 февраль (ТАСС). Лондон радиоси билдиради: бугун Нюрнбергда нацистлардан тозаловчи суд биносида бомба портлади. Бомба бирмунча зарар етказди. Суд биносида фон Папен суд қилинмоқда эди.

КИЧИК ФЕЛЬЕТОН

Дўстини кўзи қиймайди

Овқатлар ичида паловни ёмон кўрадиган одам Уйчи районида жуда камланкам бўлса керак. Аммо, билишимизча, район техника экиналари бўлимининг бошлиғи ўртоқ Қўчқоровдай паловни яхши кўрадиган хўранда Уйчиларгина эмас. Паманган атрофида топилмайди.

Балиқнинг тириклиги сув блан дегандай, ўртоқ Қўчқоровнинг тириклиги палов блан. Тушда ҳам, кечқурун ҳам тўйиб палов емаса бўлмайди. Ўз-ўзидан ма'лумки, азбатта бу палов қўй ёғидан қилиниб, унга кўш илик солиниши шарт.

Ўртоқ Қўчқоров якинда район марказидаги чойхоналарнинг бирида ўзи ва ҳамроҳи учун 2 килограмм гуручдан ош ламлатиб, мендан ҳам бошқа «рекордчи» паловхўр бормикин деган хаёлга борди.

Ўйлаб қараса, районда паловни ўзидай яхши кўрадиган бир киши бор: У ҳам бўлса прокурор Имомалиев.

Қўчқоров соатига қараб дўсти прокурорнинг кечикканидан ташвиш тортди. Кўлтиғидаги ярим шиша ароқ блан аста-секин Уйчининг гузарига жойлашган прокуратура идорасига кирди ва уни кабинетидан топди.

— Ҳа, тайёрми?

— Тайёр бўлганда қанақа!

— Кўлтиғингиздаги нима?

Иштаҳа очадигани!

Икки дўст кабинетда ўлтириб шишасини баҳам кўрдилар. Ўпкадай қизоргган прокурор дўстига қарди ва:

— Бояги мажлисда колхоз раисларининг роса ўтакасини ёрдингиз

— Ростда, ҳаммалари колхоз Уставини бузади,—деди Қўчқоров.

— Ўзингизчи, ўзингиз ҳам бўш келмайсиз.

— Сиз бор, менинг нима ғамим бор

Прокурор Имомалиев эса:

— Сиз билмайсиз. Ба'зи одамлар жуда ёмон бўлиб кетишган. Мана бу делони қаранг, деб варақлаб ўқий кетди.

— Ёрқўрғон қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхозда 2,12 гектар, Карл Маркс номли колхозда 1,23 гектар, Крупская номли колхозда 1,16 гектар ерга. Энгельс номли колхозининг Ахси қишлоқ советида 0,20 гектар ерга шоли эклириб олгансиз. Машатдаги Охунбобоев номли колхозда 1 гектар ерга буғдой, 0,20 гектар ерга сабзи ҳам эклириб олибсиз. Шоли ларни янчиш колхозлар ҳисобига бўлибди. Бултур ёз бўйи Крупская номли колхознинг а'зоси Эргашбой Эгамбердиев сизнинг томорқаларингизни ишлаш блан банд бўптию, бир тийин ҳам ҳақ бермансиз. Бунисиҳам майли, мана бу қоғозни қаранг: Ёрқўрғон қишлоқ советидаги Сталин номли колхозлан 255 килограмм шоли, 200 килограмм буғдой, 20 метр газлама, Карл Маркс номли колхозлан 32 килограмм буғдой, 15 метр газлама олибсиз. Хўш, айтингчи булар колхоз Уставида кўрсатилганми?

Бу гапларни эшитган Қўчқоров пинагини ҳам бузмади. У қаҳқаҳа уриб бир кулдида, кейин:

— Буларку тўғри, ўзингиз айтингчи, булардан сиз емадим денгчи? Сизгаям ярми теглику, деди.

— Сиз бекорга аччиғланманг. Мен бор гапни гапирдим—деб ўзини оқлади прокурор.

— Бор гап эмиш. Шу ишку бор экан. Менга ҳам биллирмай йўқ қилиб юборсангиз биров фаҳмлаб ўлтирибдими.

— Сиз шундай дейсизда. Бир марта кишилар сўрашганда текширяпмиз юдим. Иккинчи сафар сўрашди, дело йўқолди, дедим; яна дело қилиб беришдт. Энди ҳайронман...

☆ ☆ ☆

Келган хабарларга қараганда, Уйчи район прокурори Имомалиев район техника экиндар бўлими бошлиғи Қўчқоровнинг жиноятини қандай қилиб ёпишга ҳалиҳам ҳайрон эмиш. Ахир унинг прокурор деган номи бор. Қўчқоровни жавобгар қилай деса, қадимги порахўр қозидай юзини ўтолмайди. Колхозлардан йиғиб олинган озиқ-овқатлар, қоплаб-қоплаб бўлиб олган шолилари кўзи олдидан ўтади. Индамай деса, ҳукуматнинг қарори бор. Юраги пўкиллайди.

Қарга-қарғанинг кўзини чўқимайди дегандай, прокурор Имомалиев балохўр дўстини кўзи қиймади. Унинг устида тўпланган жиноий ишни таваккал қилиб эски бир газетага ўраб чанг босган шкафнинг устига улоқтирди.

Ҳозир жиноий иш шкафнинг устида. У қачон пастга тушиши ма'лум эмас. Унинг оқибати ҳозирча Уйчи район прокурорига боғлиқ бўлиб қолган!

Ш. НИШОНОВ.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА ЁРДАМ

Фарғона область, Бувайда районида 49 та аёл I ва II даража «Оналик шуҳрати» ордени ва 265 аёл Оналик шуҳрати медали блан мукофотландилар.

Кўп болали оналарга ўтган йилда 1 миллион 277 минг 500 сўм пул, 8600 метр газлама ва бошқа нарсалар берилди.

Бештерак қишлоқ советилаги «Жамият» колхозининг а'зоси биринчи даража «Оналик шуҳрати» ордени блан мукофотланган Халичахон Қўшоқова 7 боласи учун 3500 сўм пул олар эди. СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 8 июль фармони чиққандан кейин 8 ва 9-нчи болалари учун яна 6 минг сўмдан қўшимча пул ола бошлади.

Қаюмжон ТУРСУНОВ.

ЛАМПА ШИША ИШЛАШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Тошкент шаҳар Фрунзе район маҳаллий саноат комбинати лампа шиша ишлабчиқариш цехи ташкил қилди. Цех лампа шиша ишлашни мукаммал ўзлаштириб, 7, 10 ва 20-нчи шишани кўплаб ишлабчиқарабошлади.

Комбинат ўзида ишлабчиқарилган кенг истеъмол молларни аҳолига сотиш учун 3 та дўкон очади. Ҳозир янгидан очилган дўконда турли саноат моллари сотилмоқда.

БИЛДИРИШ

ЎзК(б)П Марказий Комитети ҳузуридаги Партколлегия қўйида номлари кўрсатилган кишилардан партия ишларини кўриш учун 1947 йил 18 февральда Тошкент шаҳар, Гоголь кўчасидаги 70-нчи уйга келиб, тубандаги ўртоқларга учрашишларини сўрайди:

Ўртоқ Бабаянца: Мусин Солиқов (Самарқанд қишлоқ районидан), Назар Бобожонов (Пойариқ районидан), Разум Оллаберганов (Тўрткўл районидан), Мирҳўжа Мирҳакимов (Қува районидан), Мута Хўжаев (Булунғур районидан).

Ўртоқ Зокиржоновга: Газима Зинатулла-евна Зинатуллина (Охунбобоев районидан), Мария Васильевна Кузнецова (Бекобод шаҳридан), Михаил Иванович Савнов (Қўқон шаҳридан), Зикрулла Фатхуллахўжаев (Уйчи районидан), Ғафур Ҳошимов (Калинин районидан).

ЎзК(б)П Марказий Комитети ҳузуридаги Партколлегия.

Мас'ул мухаррир ўринбосари: Р. САҲИБОЕВ.

ХАВФСИЗЛИК ҚЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 1 февраль (ТАСС). Кеча Хавфсизлик Кенгашининг қисқа мажлиси бўлиб ўтди. Албания вакили келиб етмаганлиги сабабли, Кенгаш Корфу бўғозида юз берган ҳолиса муносабати блан Англия ҳукуматининг Албания устидан берган шикоятини келгуси мажлисда кўришга қарор қилди.

Раис, Австралия вакили Мэйкин Албания вакилининг қачон келажагини хабар қилишни сўраб Албанияга қилган сўнгги мурожаатига ҳозиргача жавоб олмаганлигини айтди. Хитой вакили Го Тай-пи, Кенгаш навбатдаги мажлисининг муддатини ўзи белгиласин ёки бу мажлисни қачон чақириш масаласини Кенгашнинг янги раиси белгиласин (шу мажлисда Мэйкининг Кенгашда раислик қилиш муддати тугади), деб таклиф қилди.

Польша вакили Ланге, Албания вакилининг қачон келажаги тўғрисида Кенгаш бирнеча кундан кейин ахборот олса керак, шундан кейин янги раис келгуси мажлисни чақириш муддатини белгилай олади, деган фикрни баён қилди.

Совет вакили Громико айтдики, Албания вакили 28 январьда йўлга чиққан эди, лекин транспорт қийинчилиги туфайли Албания вакили кечикиб қолди. Бу тўғрида Хавфсизлик Кенгаши ахборот олган эди. Громико, Албания вакилининг келиб етиши зарурлиги аниқ, лекин шунга қарамай нима учундир ҳар 2-3 кун сайин вакиллар беҳуда мажлисларга чақирилмоқда, мен бунинг сабабини тушинаолмайман, деди.

Хавфсизлик Кенгаши келгуси мажлисни чақириш вақтини Хавфсизлик Кенгашининг раиси белгиласин деб қарор қабул қилди.

ГЛУНЧИЧНИНГ ЎЛДИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БЛАН ЮГОСЛАВИЯ ҲУКУМАТИНИНГ АНГЛИЯ ҲУКУМАТИГА НОТАСИ

БЕЛГРАД, 31 январь (ТАСС). Югославиянинг Италиядаги вакили Глунчичнинг ўлдирилиши муносабати блан Югославия ҳукуматининг Англия ҳукуматига юборган нотаси бугун матбуотда э'лон қилинди.

Нотада четникчиларнинг Глунчич ва Энгельга қандай вазиятда ёвузларча ҳужум қилганликлари кўрсатилади. Сўнгра нотада бундай дейилади

Ҳарбий жиноятчиларнинг иттифоқчи ҳарбий ма'мурлар кўз олдида қилган бу ҳужуми Югославия халқларини ниҳоятда ғазаблантирди. Югославия Федератив Халқ Республикаси ҳукумати ҳарбий жиноятчиларнинг бу қабиҳ жиноятига нисбатан ҳам, ўз кўз олдиларида иттифоқчи мамлакатнинг вакилларини ўлдиришга йўл қўйган инглиз ҳарбий ма'мурларига нисбатан ҳам ўз халқлари блан бирга ғазабланади. Бу ҳарбий жиноятчилар илгари Югославияда бирқанча жиноятларни қилиб, ўз жиноятларига яраша муносиб жазодан қутилиш мақсадида герман армияси блан бирга қочиб кетган эдилар, инглиз ҳарбий вакиллари эса, кўз олдиларида иттифоқчи мамлакатнинг вакилларини ўлдиришга йўл қўйдилар.

Бундай ҳужумлар, дейилади нотада сўнгги вақтда фақат Италиядагина эмас, балки Югославия ҳарбий жиноятчиларига меҳмондўстлик кўрсатилаётган бошқа жойларда ҳам кўпайди. Бу эса, Югославия ҳарбий жиноятчилари учун Югославия Федератив Халқ Республикасига нисбатан ўз жиноий ҳаракатларини давом эттиришга имкон берилган шароит яратиб берилганлигини, бу ҳужумларни қилучи кишиларга нисбатан Англиянинг мас'улиятли органлари томонидан ҳеч қандай жазо чоралари кўрилмаётганлигини ва шундай қилиб, югослав ҳарбий жиноятчилари ҳар қандай жиноятларга рағбатлантирилаётганлигини кўрсатади.

Югославия ҳукуматининг айтишича, бу нарса ҳарбий жиноятчиларни Югославияга топшириш масаласида Англия ма'мурларининг тутган сиёсатидан келиб чиқади. Худди шу сиёсат туфайли, Югославия ҳукуматининг бу масалани бирнеча марта ўртага қўйиши ҳеч қандай натижа бермади.

Нотада айтилишича, янги жиноятларнинг олдини олиш ва айбдорларга жазо бериш мақсадида, Югославия Федератив Халқ Республикаси ҳукумати қуйидаги муҳим чораларни кўришни таклиф этади: 1) аралаш комиссия тузилсин, бу комиссияга Глунчичнинг ўлдирилишига доир ишни батафсил текшириш вазифаси юклатилсин; 2) Югославия вакилларига ҳужум қилишда қатнашган ҳамма кишилар дарҳол қамоққа олинсин ва улар Югославия ма'мурлари қўлига топширилсин; 3) бу жиноятга алоқали бўлган инглиз ҳарбий ма'мурларига жазо берилсин; 4) югослав ҳарбий қисмларига мансуб ҳамма кишилар (педичлар, Драже Михайловичнинг четниклари, льотичевлар, усташейлар, оқгвардиячилар ва бошқа шу каби кишилар) ҳарбий асирлар лагерьларига қамаб қўйилсин, уларни ҳарбий соқчилар қўриқлаб турсин ва офицерлар солдатлардан ажратилсин; 5) бу жиноят вақтида ўлдирилган кишиларнинг оилаларига моддий ёрдам берилсин.

Ўзбекистон давлат геология бошқармаси

ТОПОГРАФИЯ-ГЕОДЕЗИЯ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ.

Тошкент шаҳар, Шевченко кўчаси, 11-нчи уйда 9-нчи хонага иш соатларида келиб учрашилсин.

Тез ёрдам клиник касалхонаси ҳузуридаги МЕДИЦИНА ҲАМШИРАЛАРИ МАКТАБИ 1-нчи курсга ЎҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Киручилар 1947 йил 5 февральдан бошлаб рус тили, математика, СССР Конституциясидан имтиҳон қилинади.

Ўқиш 1947 йил 10 февральда бошланади. Медицина ҳамширалари мактабига камида 7 синф ҳажмида ма'лумоти бўлган хотин-қизлар қабул қилинади.

Аризалар дам олиш кунларидан бошқа ҳар куни кеч соат 6 дан 8 гача мактаб биносида. Жуковский кўчаси, 74-нчи уйда қабул қилинади. (Ремесленная кўчасидан кирилади).

ТЕАТРЛАРДА:

МУҚИМИЙ ТЕАТРИДА — 4 февраль да **Нурхон**, 5 февральда **Қизил гул.**

ЎзОПЕРА ТЕАТРИДА — 4 февральда **Бўрон.**

ЎЗБЕК МУЗИКА ТЕАТРИДА (Беш'ёғоч) — 5 февральда **Муҳаббат гули.**

ҲАМЗА ТЕАТРИ БИНОСИДА — 4 февральда Сталин мукофоти лауреати СССР халқ артисти **Ҳалима Носированинг** янги программада **концерти** бўлади. Концертда ЎзССР халқ артистлари ва хизмат кўрсатган артистлар қатнашади. Концерт кеч соат 9 да бошланади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Ф. В. Федин** раҳбарлигидаги **цирк труппасининг гастрольари.** Аттракцион — **йиртқич ҳайвонлар.** Тамоша кеч соат 9 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ» — янги овозли бадиий тарихий фильм **Адмирал Нахимов**; «ИСКРА» — **«Безимянний»** ороли; «ЎЗБЕКИСТОН» — **«Безимянний»** ороли; «НОВОСТИ ДНЯ» — **Пўлат қандай тобланди**, 5 февральдан **Бу — Донбассда** бўлган эди; «ВЕСНА» — **Қасам**, 5 февральдан **Бой келин**; АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КЛУБИ — **Оқариб кўринар ёлғиз елкан.**

Ўрта Осиё Давлат университетининг ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари Ўрта Осиё Давлат университетининг ходими, умумий физика кафедрасининг мудири, физика-математика фанлари кандидати, доцент

Николай Викентьевич КРЕМЕНЕВСКИЙНИНГ

узоқ вақт касал бўлиб ётганидан кейин 1947 йил 1 февралида вафот этганини чуқур қайғу блан билдирадилар ва марҳумнинг оиласига та'зия изҳор қиладилар.

Тошкент область, Калинин район, 1-нчи бўлим халқ суди билдирадики, Ю. Мирдадаевнинг О. Дўстмуҳамедовдан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент область, Калинин район, 1-нчи бўлим халқ суди билдирадики, Х. Ҳакимованинг Ш. Аҳбаровдан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Тиражи 64,5 минг № 88. Р. 00024.